O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 30 октябрь, жума № 44 (2327). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 30 октября, 2009 год, № 44 (2327). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

БАРЧА БЎҒИНДАГИ КОМАНДИРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ОФИЦЕРЛАР, СЕРЖАНТЛАР ВА АСКАРЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ, ФАОЛ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ ҲАМДА ВАТАНПАРВАРЛИК, МАМЛАКАТ ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ БИЛАН ЯШАШ, ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТУЙҒУСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ.

Ислом КАРИМОВ

ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 51-МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Темир йўл транспорти бўйича Кенгашнинг навбатдаги мажлиси қатнашчиларини меҳмондўст Ўзбекистон заминида самимий қутлашдан ғоят мамнунман.

Буюк ипак йўли ўтган мамлакатимиз қадим замонлардан буён бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор топган. Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистраль йўллар орқали туташтирган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ҳозирги кунда дунёда, айниқса, минтақамизда рўй бераётган чуқур ва изчил сиёсий-иқтисодий жараёнлар амалдаги транспорт йўлакларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, мавжуд йирик халқаро бозорлар ва фаол шаклланиб бораётган истиқболли бозорларни боғлайдиган янги, самарали йўналишларни очиш ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда.

Бу узоқ муддатли умумий манфаатларимизга мос келади, бой табиий захиралар ва минерал-хомашё ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлашга кўмаклашади, шунингдек, давлатларимизни ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилади ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилиш бўйича 2013 йилгача мўлжалланган комплекс дастур ана шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Ушбу дастур поездлар паркини янгилаш, йўлларни қайта тиклаш, ихтисослаштирилган саноат корхоналарини реконструкция ва модернизация қилишга доир биринчи галда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олган. Ушбу концепцияда, шунингдек, биз учун ва бутун минтақа учун янги бўлган тезюрар йўловчи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу темир йўл транспорти ва унга нисбатан одамларнинг муносабатини тубдан ўзгартиради.

Ишончим комилки, мамлакатимиз ҳудудида мураккаб табиий-иқлим шароитида "Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон" замонавий темир йўл линияси бунёд этилгани, фаолият кўрсатаётган "Навоий" мультимодаль логистика марказининг ривожлантирилиши, шунингдек, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Трансафғон транспорт йўлагининг "Ҳайратон – Мозори Шариф" қисмининг барпо этилиши минтақа давлатларининг транспорт-коммуникация ва транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш мажлисида муҳокама қилинадиган масалалар ушбу тузилмага аъзо давлатлар вакиллари учун долзарб бўлиб, муҳим аҳамият касб этади. Бу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, шубҳасиз, темир йўл тизимини янада такомиллаштириш, давлатларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган мазкур соҳада интеграция жараёнларини чуқурлаштириш имконини беради.

Барчангизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Латвия, Литва, Эстония темир йўл маъмуриятлари вакиллари иштирокидаги 51-мажлиси бошланди.


Ушбу нуфузли халқаро орган форумининг Тошкентда ўтказилиши Ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий ҳамкорлигида, Евроосиё мамлакатлари темир йўл идораларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, жаҳон транспорт тармоғига янада интеграциялашиш бўйича амалга оширилаётган самарали ишларда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётганининг эътирофидир.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д. Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказди.

(Давоми 2-бетда).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ коллажи.

Озод эл, обод эл қўрғонларимиз

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Оқсаройда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатлари изчил ривожланаётганини қайд этди. Бу муносабатлар икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлигига асосланган.

Ўзбекистон – Ҳиндистон ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосига қурилган. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилган бўлиб, ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туради. Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Соманахалли Кришна самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириб бораверишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни Оқсаройда МДҲнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ОАЖ президенти Владимир Якунинни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари темирйўлчиларининг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, уларнинг Тошкентда ўтаётган форуми бу фикрнинг яққол далили эканини таъкидлади.

Пойтахтимизда ўтаётган форумда темир йўл компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада такомиллаштириш, уларнинг бошқа халқаро транспорт тармоқлари билан интеграциялашувини фаоллаштиришга доир, шунингдек, бошқа иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, ташкилий масалалар кўриб чиқилмоқда.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда В.Якунинг самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, МДҲ ва Болтиқбўйи темирйўлчилари форуми юксак савияда ташкил этилгани ва ўтказилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўл компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).


4 МАВЗУМ
ҚИШКИ ШАЙЛИККА ЮКСАК ЭЪТИБОР


6 ASKAR
SERGAK POSBONNING JASORATI


22 СПОРТ
ЮКСАК ПАРВОЗГА ШАЙЛАНАЁТГАН ҚУШ


24 ОБУНА–2010
«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

ЖАРАЁН

ФАЛАСТИН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Фаластин Давлати ташқи ишлар вазири Риад ал-Малкийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда 27 октябрь куни ушбу мамлакат элчихонасининг янги биноси очилди.

Маросимда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

– Фаластин элчихонаси янги биносининг очилиши ўзаро муносабатларимиз янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Зеро, ҳамкорлик алоқаларимиз бундан кейин ҳам жадал тараққий этишига ишонамиз, – деди Риад ал-Малкий.

Шу куни Риад ал-Малкий Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда улар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш борасидаги муваффақиятларини яна бир бор қайд этди.

Делегация номидан сўзга чиққан Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн делегация Тошкентга Истанбулдан келганини ва у ерда ХВЖ ҳамда Жаҳон банки гуруҳининг ҳар йилги кенгашида, асосан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, инқирознинг турли мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ўрганиш ва таққослаш миссиянинг Ўзбекистонга бу галги ташрифининг мақсадларидан биридир.

К. Штайн республикамизда қатор манфаатдор томонлар, шу жумладан, жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлганидан мамнуният изҳор этди.

К. Штайн журналистларнинг ХВЖ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини қандай баҳолаши ҳақидаги саволига жавоб қайтарар экан, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонга ўзининг салбий таъсирини деярли ўтказа олмади. Бунда ҳукуматнинг иқтисодий ўсиш ва инқироз таъсирига қарши туриш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб боргани муҳим омил бўлди», деди.

«Бу, шунингдек, расмий идоралар томонидан жаҳон молия бозорларида иштирок этишда оқилона сиёсат олиб борилганининг ҳам самарасидир», деди К. Штайн.

Бу борада ХВЖ вакили ҳукуматимиз томонидан ички бозорда талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилганини таъкидлади. «Биз бу чора-тадбирларни маъқуллаймиз», деди у.

ХВЖнинг Швейцариядан ижрочи директори Томас Мозер мамлакатимизни 2009–2010 йилларда иқтисодий ривожлантириш прогнозлари хусусида сўз юритар экан, ХВЖнинг жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги охирги нашрига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш 7–8 фоизни ташкил этиши кутилаётгани, 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич 2009 йилдагидан паст бўлмаслиги тахмин қилинаётганини маълум қилди.

Шунингдек, Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн ХВЖнинг Ўзбекистонга нисбатан қатор позициялар бўйича нуқтаи назари ўзгарганини, негаки, мамлакатимиз мураккаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини исботлай олганини эътироф этди.

«ХВЖнинг Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсатни, амалга оширилаётган ислоҳотлар суръати, ташқи қарзлар сиёсати, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли, шунингдек, банк фаолиятини назорат қилишни баҳолашга нисбатан нуқтаи назари сўнгги пайтда ижобий томонга кескин ўзгарди. Шубҳасиз, бунга Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсати тўғри эканлигини намоён эта олгани сабаб бўлди», деб таъкидлади Клаус Д. Штайн.

Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн матбуот анжуманини якунлар экан, делегация номидан «Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз», деб таъкидлади.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва бу борада тегишли қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларида округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкалари тузилганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Сайлов участкалари фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилди. Мамлакатимиз бўйича 8,4 мингдан зиёд сайлов участкаси ташкил этилди.

Сайлов участкаларининг рўйхати уларнинг манзили кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларини шакллантириш борасидаги ишлар бошланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳамдўстликка аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 51-мажлиси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев ўқиб эшиттирди.

Мажлисда сўзга чиққан "Россия темир йўллари" очиқ акциядорлик жамияти президенти В. Якунин, "Озарбойжон темир йўллари" ёпиқ акциядорлик жамияти раиси А.Аскеров, Беларусь темир йўллари бошлиғи А.Сивак, "Латвияс дзелцельш" бошқаруви раиси У.Магонис ва бошқалар тармоқ мутахассисларининг бундай доимий учрашувлари иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Бу борада эришилаётган келишувлар юк ва йўловчи ташиш жараёнини самарали ташкил этиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш, тариф сиёсатини мувофиқлаштириш, мавжуд транспорт йўлакларидан оқилона фойдаланиш имконини бермоқда.

Бу галги мажлисда темир йўллар ишининг долзарб масалалари, поездлар ҳаракати жадвали ва уларни шакллантириш режалари, вагон оқимлари йўналишлари, ўзаро ҳисоб-китоб тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш, юк вагонларини таъмирлашда янги технологияларни жорий этиш, аввал қабул қилинган қарорлар ижроси ҳамда жорий йил тўққиз ойида эришилган натижалар кўриб чиқилади. Шунингдек, тадбирда 2010 – 2011 йилларда поездлар ҳаракатланишининг норматив жадвалини мувофиқлаштириш, юк ташиш вагонлари ва контейнерларини рўйхатга олиш, халқаро ташишларда тарифларга оид сиёсат, йўловчи ташиш вагонларидан фойдаланиш, шу билан бирга, халқаро йўналишларда йўловчи ташиш поездлари хавфсизлигини таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни кучайтиришга доир битимга қўшимча ҳамда ўзгартишлар муҳокама этилади.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 1992 йил 14 февралда МДҲ давлатлари раҳбарларининг келишувига биноан ташкил этилган. Кенгаш темир йўл транспорти ишини халқаро даражада мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Темир йўлларнинг эксплуатация фаолияти, юк ташиш вагонлари ва контейнерларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни техник сақлаш, ташишлар шартларини ишлаб чиқиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ягона тариф сиёсатини амалга ошириш, фаолият доираси бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш масалалари унинг асосий вазифалари саналади.

Темир йўл транспорти ишини такомиллаштириш учун МДҲга аъзо давлатлар, Латвия, Литва ва Эстония темир йўлларининг мавжуд маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш, ягона ахборот алмашиш тизимини шакллантиришни кўзда тутувчи Ахборот-ҳисоблаш тармоғини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Темир йўл маъмуриятларининг Ахборот-ҳисоблаш маркази ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Давлат ва тармоқ стандартлари, бошқа меъёрий-техник ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, шунингдек, техникани ривожлантиришнинг замонавий даражасига жавоб берадиган янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида темир йўл транспортидаги техника воситалари хавфсизлиги, уларни таъмирлаш ва фойдаланиш ҳамда кўрсатиладиган хизматларни стандартлаштириш бўйича давлатлараро техника қўмитаси ташкил этилди.

Темир йўлларда амалга оширилаётган ташкилий ва техник тадбирлар, уларнинг фаолиятини давлатлараро даражада мувофиқлаштириш темир йўл транспортининг барқарор ишлашини таъминлаш, йўловчилар ва юкларни зарур миқдорда ташиш имконини берди.

Ҳозир Ҳамдўстлик темир йўллари ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам тизимига эга. Юк ва йўловчи ташиш ҳажмининг ўсиши бозор рақобатининг кескин шароитида фаолият кўрсатаётган МДҲ темир йўлчилари ўз мамлакатлари эҳтиёжларини муваффақиятли қондириш билан бир қаторда транзит юкларини ҳам дадил жалб этаётганининг тасдиғидир.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистоннинг Евроосиё транспорт йўлагида темир йўл орқали ташишлардаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини, МДҲ ва бошқа мамлакатлар темир йўлларини янада кооперациялаштириш мақсадида ўзининг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланаётганини таъкидлади. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг муваффақиятлари Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз темир йўл транспорти тизимини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор бераётган юксак самаралардандир.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан 1994 йилда ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида компания улкан ютуқларга эришди. У мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғини сифатида Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий транспорт воситасига айланди. Компания асосий йўлларининг умумий узунлиги 6020 километрдан ортиқ масофани, жумладан умумий фойдаланиладиган йўллар 4230 километрни ташкил қилади. Ўзбекистон темир йўллари тармоғини комплекс равишда ривожлантириш юк ва йўловчи ташиш ҳажмининг йилдан-йилга ўсишига хизмат қилмоқда. 2004 – 2008 йилларда юк ташиш ҳажмининг ўсиши 45 фоизни ташкил этди, йўловчи ташиш 24, юк ташиш 38, транзит ташишлар ҳажми 52 фоиз ошди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси юк ва йўловчи ташувчи вагонлар, локомотивларни таъмирлаш бўйича замонавий база, кенг тармоқли соҳа инфратузилмасига эга. Халқаро молия институтларининг пўлат магистралларнинг ишлашини янада такомиллаштириш учун йўналтирилаётган маблағлари фаол жалб этилиб, йирик инвестиция лойиҳалари босқичма-босқич амалга оширилаётир. Янги темир йўл линияларини барпо этиш, йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатланувчи таркибни модернизация қилиш, тезкор транспорт коммуникацияларини ташкил этиш компания фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ишлаш тажрибаси Кенгаш аъзоларига ўрганиш учун тавсия этилди ва бу форумда иштирок этаётган темир йўл маъмуриятлари вакилларини қизиқтириши, шубҳасиз. Уларнинг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибига кирувчи бир қатор корхоналарни бориб кўриши режалаштирилган. "Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ушбу хўжалик субъекти, шунингдек, "Ўзтемирйўлмаштаъмирлаш" унитар корхонаси, Андижон механика заводи, "Қуйиш-механика заводи" шўъба корхонасида ишлаб чиқарилаётган ҳамда модернизация қилинаётган транспорт воситаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

– Менда янги Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон магистрали катта қизиқиш уйғотди, – дейди **Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши Дирекциясининг раиси Пётр Кучеренко.** – Қисқа муддат ичида юриш қийин бўлган тоғли ҳудудда зарур инфратузилмага эга замонавий темир йўл барпо этилгани мени ҳайратга солди. Ишончим комилки, ишга туширилган ушбу темир йўл тармоғи нафақат мазкур ҳудуд, балки бутун мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ва одамлар ҳаётини янада фаровонлаштиришга хизмат қилади.

"Қозоғистон темир жолы" Миллий компаниясининг вагон хўжалиги департаменти директори Слямбек Риспаев:

– Биз Ўзбекистон темир йўллари жадал ривожланаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда вагонлар ва бошқа зарур техникани ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган, кадрлар масаласи муваффақиятли ҳал этилмоқда, соҳа ходимларининг ижтимоий-маданий таъминотига катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси янада салмоқли натижаларга эришиш, юк ва йўловчи ташиш ҳажмини муттасил ошириш имконини беради.

Халқаро темир йўллар иттифоқи бош директори Жан-Пьер Лубино:

– Иттифоқимизнинг қароргоҳи Парижда жойлашган бўлиб, у бутун дунёдаги темир йўллар, 200 дан ортиқ темир йўл компанияларини бирлаштиради. Биз уларга муайян вазифаларни ҳал этишда ёрдам бериш мақсадида турли лойиҳаларни илгари сурамиз ва кўмаклашамиз. Иттифоқимиз поездларнинг юқори тезлик билан ҳаракатланишини ривожлантириш, темир йўлда ташишлар хавфсизлиги, давлатлараро темир йўл йўлакларидан ўтишда тартиб-қоидаларни соддалаштириш каби долзарб масалалар ҳал этиладиган ўзига хос техник платформа ҳисобланади. Ташкилотимиз Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда. Ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли шаклларини топамиз, деб ўйлайман.

Мажлисда кўриб чиқилаётган масалалар ва уларнинг ҳал этилиши МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўл маъмуриятларининг ўзаро ҳамкорлик тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга хизмат қилади.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

МАЛАКА

ҲАЁТИ МАЗМУНИ – ҲАРБИЙЛИК

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида ҳар томонлама етук, профессионал ҳарбийларимиз талайгина. Уларнинг қилаётган эзгу ишларини барчага ибрат қилиб кўрсатсанг, арзийди. Мана шундай фидойи, юрт ҳимоясига, эл корига камарбаста бўлиб, Ватан олдидаги шарафли вазифасини муносиб ўтаб келаётган ҳарбий хизматчиларидан бири офицер Шавкат Абдуғаниевдир. Унинг намунали хизматлари инобатга олиниб, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Мудофаа вазирининг «Эсдалик нишони» билан тақдирланди.



Ёшлигидан ҳарбийлик касбига бўлган ҳавас уни Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти томон етаклади. Билим юртида унга муддатли ҳарбий хизматни ўтагани катта ёрдам берди. Ўқув жараёнларида ва дала-ўқув машғулотларида у ўзининг билимдонлиги, тиришқоқлиги билан сафдошларидан ажралиб турарди. Билим юртини намунали ва аъло баҳоларга тугатиб, илк фаолиятини гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида муваффақиятли бошлади. Ҳозирда взвод командири вазифасида самарали хизмат қилиб келмоқда.

– Ҳарбийлик касби ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, – дейди қаҳрамонимиз. – Ушбу шарафли касбда фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Мустақил Ўзбекистоннинг миллий армиясида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиш бугун ҳар бир йигитнинг орзусига, олий мақсадига айланиб улгурди. Мен ҳам шулар қаторида тинчлик ва осойишталикка, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётганимдан ғурурланаман.

Офицер Абдуғаниевнинг аскарлар билан олиб бораётган машғулотларини кузатиб, ҳарбийлик касбини бежизга танламаганига амин бўлдик. Унинг ўзига хос ишлаш услуби бор. Машғулотни бошлашдан олдин қўл остидаги аскарлар билан акаларча суҳбатлашиб, уларнинг руҳий ҳолатлари, шахсий ҳаёти билан қизиқади, керакли маслаҳатларни беради. Шундан сўнг, машғулотни бошлайди ва имкон қадар ҳар бир аскар билан алоҳида ишлашга ҳаракат қилади. Унинг таъкидлашича, бу жараён аскарларда қисқа вақт ичида кўпроқ билим олишни таъминларкан. Ҳаво-десант тайёргарлиги майдончасида бўлганимизда взвод командири шахсий таркиб билан парашютни сакрашга тайёрлаш, уни олти босқичда тахлаш ва ердаги элементларни бажариш бўйича машғулот олиб бораётган экан. Машғулотни кузатар эканмиз, аскарларнинг бу борада тажрибалари анчагина ошиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришмоқдамиз, – дейди офицер Абдуғаниев. – Бунинг учун қисм моддий-ўқув базаси етарли жиҳозлар, техникалар билан таъминланган бўлиб, машғулотлар тажрибали офицер ва сержантлар томонидан олиб борилмоқда. Ҳарбий билимлар билан бирга посбонларимиз юртимизда кечаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар, тўғрисида тезкор ва аниқ маълумотларга эга бўлишади. Бу борада қисмимизда замонавий ахборот ресурслари яратилган. Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли байрам ва саналарга бағишлаб тадбирлар, учрашувлар ўтказиб борамиз. Бу посбонларнинг маънавияти шаклланишида катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича ҳам қисмда барча шароитлар яратилган. Аксарият ҳарбийлар парашют билан сакрашга қизиқишади. Аммо бунинг учун катта тажриба ва билим зарур. Шу боис назарий ва амалий машғулотларни юксак савияда олиб боришга интилаяпмиз.

Қаҳрамонимиз бўш вақтларида ўз устида ишлаб, билим ва маҳоратини янада бойитяпти, шунингдек, спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланяпти. Ўзининг спортга бўлган меҳрини, қизиқишини қўл остидагиларга ҳам сингдира олгани боис, взвод жамоаси қисмда ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида яхши натижаларга эришиб келмоқда.

– Офицер Абдуғаниевни юрт ҳимоясига муносиб, қалбида эзгу мақсадлари жўш ураётган Ватаннинг асл фарзанди, деб биламан, – дейди батальон командири офицер Дўстбўл Исмоилов. – Илк хизмат кунлариданоқ, ўзининг тиришқоқлиги, ташаббускорлиги, ҳарбий соҳанинг билимдони эканлиги билан менда яхши таассурот қолдирган. Унинг қўл остидагиларга бўлган муносабати, энг асосийси уларнинг пухта билим олишлари ва шароитларини яхшилаш бўйича қилган ишлари таҳсинга сазовордир.

– Ҳали олдимга қўйган режалар кўп, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бу режаларни амалга оширишим учун янада кўп ўқишим, тажриба ва малакамни ошириб боришим лозим. Жамоамиз билан биргаликда, посбонларнинг мукаммал билим олишлари, ўз мутахассисликлари бўйича юқори тажриба ва маҳоратга эга бўлишлари учун бундан-да кўп ишларни қилишимиз керак. Бу йўлда бор билимимиз ва куч-ғайратимизни аямасдан меҳнат қиламиз.

Дарҳақиқат, офицер Шавкат Абдуғаниев тарбиялаган, билим берган юзлаб посбонлар бугун ўзи каби эл-юрт корига камарбаста бўлиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишиб, билдирилган ишончни оқлаб келишмоқда. Унга эзгу режаларининг амалга ошиб, бундан-да юксак чўққиларни забт этиб қолишига тилакдошмиз.

А. ШУКУРУЛЛАЕВ.
Муаллиф суратга олган.

Малака ошириш факультетларида

КИЧИК КОМАНДИРЛИКДАН ОФИЦЕРЛИК САРИ

Аввал хабар берганимиздек, Мудофаа вазирининг буйруғига асосан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳузуридаги офицерлар малакасини ошириш факультетида олий маълумотга эга, Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркиби биринчи офицерлик унвонини олиш учун ўқиш жараёнларини бошлашган эди.





Таъкидлаш жоизки, бу аввало ҳарбий мутахассислар малакасини ошириш ҳамда кадрларни ўз ўрнига муносиб танлаб қўйишда муҳим омил ҳисобланади. Бугун билим юртида ўзгача тантана, яъни малака ошириш факультети тингловчиларининг битирув айёми.

Ҳа, ислоҳотлар сабаб, бугун ҳарбийлик касбини эгаллаётган ёшлар сафи кенгаймоқда. Ҳарбийликни шараф деб билган юртнинг асл ўғлонлари ўз келажагини шу касб билан боғлашмоқда. Айниқса, Қуролли Кучларимиз сафларида шартнома асосида хизмат бурчини ўтаётган сержантлар корпусига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга катта ишонч билдирилмоқда.

Юртбошимиз Қуролли Кучларимиз 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида **«Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз»** дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, бугун миллий армиямизда сержант мақоми янада юксак. Армиямиз суянчи ва таянчи ҳисобланган сержантлар офицерларнинг яқин кўмакчиси, аскарларнинг дўсти ва маслаҳатчиси бўлиб, умуман олганда офицер ва аскар ўртасида ишончли «кўприк» вазифасини ўтамоқда.

Белгиланган муддат ичида малакали ва тажрибали офицерлар, йўриқчилардан сабоқ олган тингловчилар билимларини сарҳисоб қилишиб, нишонга ўқ отиш, тактика, ҳарбий топография, саф тайёргарлиги, Умумҳарбий низомлар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарликлар бўйича синов, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, қанчалик билим ва маҳоратга эга бўлганликларини намойиш қилишди.

– Такомиллаштирилган ўқув режаси бўйича тингловчиларга пухта сабоқлар беришга ҳаракат қилдик. Айниқса, дала-ўқув машғулотларига катта эътибор қаратилди. Ўйлайманки, улар хизмат фаолиятларини пухта билим ва тажриба билан давом эттириб, билдирилган юксак ишончни албатта оқлайдилар, – дейди офицер Манноб Собиров.

Тингловчиларга кўкрак нишони ва сертификатларни тантанали топшириш маросимида сўзга чиққан офицерлар Ҳамид Дадабоев, Абдували Қамбаров, Адҳам Атажонов, Зафар Ҳайдаров ва бошқалар битирувчиларни табриклашиб, тинчлигимиз, осойишталигимиз ҳимояси йўлидаги масъулиятли вазифаларига муваффақиятлар тилашди.

– Мен бир неча йилдан буён шартнома бўйича хизмат қилиб келаман, – дейди кичик сержант Зокир Яллакаев. – Шунинг билан бирга Жиззах педагогика институти жисмоний тарбия факультетининг сиртқи бўлимини тамомладим. Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг тоғ тайёргарлиги кафедрасида йўриқчи вазифасида хизмат қилиб келаяпман. Мазкур курсда ўқиб, офицерлик сари қадам ташлашим менга янада улкан масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам бу ерда ўтказилган машғулотларга жиддий ёндашиб, тажрибали офицерлардан пухта сабоқ олишга интилдим. Айниқса, зирҳли техникаларни бошқариш, нишонга ўқ отиш каби машқларда янада тобландим, чиниқдим.

Курс тингловчиларидан сержантлар Элмурод Ҳайитқулов, Ғайрат Юлдошев, Владимир Калюжний, кичик сержантлар Музаффар Мақсудов, Давронбек Ҳакимов, Улуғбек Бердиев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар Алишер Собиров, Фозил Ходжаев кабилар ўқиш давомида етук салоҳият ва тажрибага эга эканликларини намойиш қила билишди.

Ишончимиз комилки, эзгу мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган бу ишлар келгусида ўз мевасини бериб, курсда таълим олиб чиққан ҳарбий хизматчилар билдирилган юксак ишончни албатта оқлашади.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАВСУМ

ҚИШКИ ШАЙЛИККА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Шу кунларда қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва техникаларни қишки шароитда фойдаланишга тайёрлаш ишлари кўтаринки суръатда давом этаяпти.

Мазкур тадбирга қадар қисмларда ҳарбий хизматчилар билан тегишли мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар олиб борилди. Машғулотлар давомида қурол-яроғ ва техникани об-ҳавонинг паст ҳарорати ҳамда ёғин-сочинли шароитларда ишлатиш қоидалари, мавсумий хизмат кўрсатиш ишларини тўла-тўкис бажариш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмалари янада оширилди. Машғулотлар сўнгида ҳарбий хизматчиларнинг қурол-яроғ ва техникани об-ҳавонинг паст ҳароратли шароитда ишлатиш қоидалари, улардан фойдаланиш ва заҳарли техник суюқликлар билан ишлаш мобайнида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича билимлари синовдан ўтказилди.

Шунингдек, қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланишга тайёрлаш бўйича кўргазмали амалий машғулотлар ҳам ўтказилиб, посбонларга бу борада етарли билимлар берилди. Машғулот давомида қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш бўйича мутахассислар томонидан назарий ва амалий тушунчалар берилди.

– Айни пайтда қисм шахсий таркиби белгиланган режа асосида иш олиб бораяпти, – дейди офицер Илғор Боймуродов. – Бунга қадар барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилиб, уларга зарур билимлар берилди. Шунингдек, техника ва ёнғин хавфсизлик қоидалари бўйича ҳам машқлар ўтказиб бораяпмиз.

Қисмда қишки шароитга ўтказиш ишлари бошлангунга қадар, қурол-яроғ ва техникалардаги мавжуд нуқсон ҳамда камчиликлар аниқланиб, бартараф қилинди ва об-ҳавонинг паст ҳарорати ҳамда ёғин-сочинли шароитда уларни ишлатиш бўйича режа ишлаб чиқилди. Шунингдек, қурол-яроғ, техника, парк, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш воситалари шай қилинди.


Қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори савияда ташкиллаштириш ва Мудофаа вазирининг буйруғига бинoан қисмда бўлинмаларга техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида таъмирлаш бўлинмаларининг куч ва воситалари билан махсус электр жиҳозлар, аккумлятор батареялари ва алоқа воситаларини текшириш, буғ ва ҳаво клапанларини текшириш ҳамда ёнғинга қарши воситалар таркибидаги баллонлар вазнини тортиш, фильтр ва ҳаво тозалагичларни ювиш, брезентдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш, пайвандлаш ва мойлаш кабилар бўйича ихтисослаштирилган постлар ташкил қилинди.

– Мазкур постларнинг ташкил этилиши ишимизни анча енгиллатди, – дейди таъмирлаш гуруҳи командири, офицер Муҳаммадали Қосимов. – Албатта, қурол-яроғ ва техниканинг ҳар томонлама созлиги жанговар шайликнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам қўл остимиздаги техникаларнинг ҳамиша шай туришини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Қишки шароитга ўтишга қадар ҳайдовчи вазифасига яқинда тайинланган ҳарбий хизматчилар билан алоҳида қўшимча машқлар олиб бориб, уларнинг соҳа бўйича билим ва кўникмаларини янада оширишга катта эътибор қаратдик.

Офицер И. Боймуродовнинг таъкидлашича, посбонлардан сержантлар – Зафар Рўзиев, Асрор Гаппоров, Бахтиёр Умаров, Ойбек Шомуродов, Аброр Равшанов кабилар ўзларига бириктирилган қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларида фаол иштирок этишиб, барча талабларни аъло даражада уддалашиб, сафдошларига намуна бўлишмоқда экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қисм шахсий таркиби бор имкониятни ишга солиб, қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори савияда олиб боришмоқда. Бу албатта, доимий жанговар шайликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик сержант А. НОЗИМОВ.
Муаллиф суратга олган.



Технике – заботу и внимание

ОСЕННИЕ ХЛОПОТЫ

Успешно сдали зачеты на знание руководящих документов, а также по требованиям мер безопасности, перед началом перевода техники на режим осенне-зимней эксплуатации подчиненные старшего лейтенанта Одила Турсунова. Младшие сержанты Жавлон Донияров, Собиржон Мансуров, Валижон Арипов и их сослуживцы показали хорошее знание и готовность к предстоящей работе на вверенной им боевой технике.

– Нашему коллективу, – рассказывает водитель-инструктор младший сержант Жавлон Донияров, – предстоит выполнить немалый объем работы: проверить состояние всех систем двигателей, провести необходимые регулировки, осуществить смазочные работы в полном соответствии с картой смазки. Используя необходимость разборки некоторых агрегатов и деталей, можно будет особенно тщательно проверить и подтянуть крепление в тех местах, доступность к которым при обычном обслуживании затруднена. Словом, каждый должен творчески подойти к выполнению сезонных работ, чтобы быть полностью уверенным в своей технике.

– В нашем подразделении немало военнослужащих-профессионалов, настоящих мастеров своего дела, – поделился своими впечатлениями после сдачи зачетов механик-водитель младший сержант В. Арипов. – Все они очень серьезно подошли к подготовке к предстоящим работам, помогали менее опытным водителям и специалистам. Авторитет механика-водителя завоевывается годами упорного труда, и никто не хотел уронить его перед лицом строгой комиссии. Тем более что от того, насколько качественно проведем мы все запланированные работы, будет зависеть боеготовность техники и успешное выполнение предстоящих задач.

Представитель вышестоящего штаба положительно отозвался по итогам принятых зачетов по выполнению личным составом ремонтников соответствующих нормативов, знанию требований мер безопасности. Все подразделения, как показала проверка, проведенная в парке боевой техники, готовы к предстоящим сезонным работам, как и специально созданные бригады из наиболее опытных специалистов для выполнения наиболее сложных и требующих высокой квалификации работ.

Пройдет совсем немного времени, и подготовленные воинами автомобили вновь выйдут на заданные маршруты. Регламентные работы, проведенные на технике в период перевода на режим осенне-зимней эксплуатации, позволят эффективно эксплуатировать технику в условиях зимних холодов, обеспечат нормальную жизнедеятельность и мобильность подразделений.

Капитан Ибрагим ТУРАХАНОВ.

МАСТЕРСТВО

Вести из подразделений

К НАМЕЧЕННОЙ ЦЕЛИ

По итогам боевой учебы радиорелейная группа лейтенанта Носиржона Лутфуллаева добивается высоких результатов в соревновании за звание лучшей в подразделении связистов.

На недавних полевых занятиях, по полученной вводной команде, в ходе выполнения нормативов по развертыванию и свертыванию антенно-мачтовых установок, других средств, согласно полученным указаниям, важную роль играла как личная подготовка младших сержантов А. Солиева, Г. Абдусаматова, рядовых Ш. Донишева, Э. Рахматуллаева и их сослуживцев, так и согласованность их действий.

Представитель вышестоящего штаба не раз отмечал в лучшую сторону как грамотные, доведенные до автоматизма действия подчиненных офицера Н. Лутфуллаева, так и их высокий уровень слаженности работы группы в комплексе. Связь с абонентом была установлена и налажена оперативно, согласно требованиям нормативов. Слышимость ясная, звуковые помехи в эфире отсутствуют. Это и стало качественным выполнением поставленной задачи.

Важным фактором, повлиявшим на конечный результат, стало точное и грамотное следование технологическому процессу, качество выполняемой работы и строгое соблюдение мер безопасности.

Немаловажным слагаемым успеха является соревнование за звание лучшего подразделения, за право называться лучшим специалистом. Обеспечение открытости при подведении итогов, анализ промежуточных результатов, поощрение отличившихся – соблюдение названных условий, безусловно, заряжает личный состав мощной энергетической силой на достижение лучших результатов. Таковы традиции данного коллектива.

На подведении итогов боевой учебы был изучен опыт передовиков – экипажа радиорелейной станции, где начальником младший сержант Адхамжон Солиев. Старший водитель рядовой Шукурулло Донишев и водитель-электрик рядовой Жамшид Джураев рассказали о рачительном подходе к эксплуатации вверенной в их распоряжение автомобильной техники. Старший механик рядовой Эркин Рахматуллаев и механик рядовой Рустам Акилов поделились секретами образцового содержания аппаратуры связи, оперативного устранения возникающих неполадок, обеспечивающих устойчивую связь с абонентами без какого-либо намека на звуковые помехи.

– Действенной формой стимулирования активности личного состава является поощрение отличившихся, – говорит офицер Н. Лутфуллаев. – Наряду с вручением почетных грамот, ценных подарков, поощряем увольнением в город.

Совсем скоро воинам данного подразделения вновь предстоит совершить полевой выход с развертыванием радиорелейных станций. Это будет очередным важным испытанием для передового воинского коллектива. И здесь со всей серьезностью готовятся к нему, ведь надо будет вновь организовать и обеспечить командный пункт бесперебойной связью с абонентами, как базы, так и по точкам заданных направлений на местности.

В борьбе за лидерство, отстоять звание лучшего в подразделении будет нелегко, однако, группа лейтенанта Н. Лутфуллаева уверенно идет к намеченной цели.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Бдительность – наше оружие

ПОЛОЖИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСЬ

В подразделении капитана Дилшода Жуманова знают точно: если в караул заступают подчиненные младшего сержанта Сардора Ниязова, то это значит, что подразделение с поставленной задачей справится успешно и без замечаний.

Подготовка к несению службы в карауле младшим командиром, недавним выпускником Школы подготовки сержантов проводится ответственно. Сначала младший сержант С. Ниязов готовится теоретически, изучает положения Устава гарнизонной и караульной служб, особое внимание обращая на те статьи, которые определяют служебные обязанности помощника начальника караула и разводящего.

Затем в классе теоретической подготовки вместе с подчиненными он вновь и вновь возвращается к самому ответственному вопросу – правилам применения боевого оружия часовыми на постах.

Здесь рассматриваются все случаи, в которых оно применяется.

Уверенно действуют по вводным на практическом занятии рядовые Хабибулло Назаров, Равшан Ибрагимов, Давлат Шеров, Улугбек Туйчиев и другие воины. Они в считанные секунды принимают решение в зависимости от поступившей команды. И уже через мгновение сообщают в караульное помещение о случившемся и действуют согласно обязанностям часового.

Четкое знание уставных требований помогает воинам на должном уровне нести службу на охраняемых объектах. Так, совсем недавно во время проверки несения службы часовым на посту рядовой Давлат Шеров грамотно и умело оценил обстановку и принял единственно правильное решение. Проверяющий дал вводную команду «Пожар на посту». Солдат не растерялся. Сообщив в караульное помещение о пожаре, он принялся «гасить» его имеющимися средствами пожаротушения согласно инструкции, одновременно наблюдая за границами поста. До прибытия на подмогу бодрствующей смены сумел справиться с задачей. Об этом была оставлена положительная запись в постовой ведомости с оценкой правильных действий часового рядового Д. Шерова.

Капитан М. ФАРУХОВ.

Сегодня курсант – завтра офицер

СОВЕРШЕНСТВУЯ НАВЫКИ ВОЖДЕНИЯ

В Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище вопросам совершенствования навыков вождения уделяется традиционно повышенное внимание.







– Выпускник СВВАКИУ должен не только отлично знать устройство автомобиля, но и уметь образцово управлять им, – так убежденно заявил преподаватель одной из кафедр училища майор Зафар Абиджанов. – В этом и заключается «визитная карточка» нашего учебного заведения, ведь автомобили – это основной наш профиль, ведущая специальность.

В наш приезд на автодроме училища курсанты третьего курса совершенствовали навыки вождения в колоннах. Рядовой по контракту Ильхом Джураев садится в кабину рядом с курсантом. Машина плавно трогается, инструктор по пути объясняет обучаемому курсанту порядок преодоления препятствий, а также особенности передвижения внутри колонны.

Автомобиль тем временем выводит на асфальте замысловатые фигуры, при этом сидящий за рулем курсант старается не сбивать легкие барьеры, обозначающие «габаритный дворик», аккуратно объехать их на повороте, задним ходом завести машину в указанное место.

Пользуясь небольшим перерывом в ходе занятия, беседуем с курсантами, интересуясь их мнениями об этом практическом вождении.

– Я еще в школе решил поступать именно в СВВАКИУ, – говорит курсант Обиджон Газиев. – Тогда к нам пришли бравые и красивые курсанты, так интересно рассказывали об училище, что у меня проснулся неподдельный интерес. Потом я побывал в музее учебного заведения, увидел старые образцы автомобилей, другой военной техники. Наши опытные инструкторы умело прививают нам навыки управления автомобилем, умения по вождению в колонне, устранению неполадок.

По словам курсантов, они традиционно принимают активное участие и в процессе перевода техники на режим эксплуатации по сезону. В частности, в эти дни вся техника училища проходит цикл проверки перед переводом на режим эксплуатации в зимних условиях. Будущие офицеры помогают военным профессионалам в организации дела, учатся тому, чтобы всесторонне подготовить автомобили к езде в зимних условиях.

Вот и закончился короткий перерыв в занятии по практическому вождению. За руль грузовика садится очередной курсант, чтобы в паре с инструктором проехать по автодрому. Следует положенная отмашка руководителя занятия – и автомобиль вновь уверенно начинает движение по маршруту.

– В современном бою готовность автомобильной техники является одним из основных составных элементов боевой готовности любой войсковой части, – говорят курсанты. – А значит, нам надо с особой тщательностью трудиться на практических занятиях по вождению, ведь командир подразделения должен подавать личный пример уверенного управления автомобилем.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

ASKAR

Askarlik har bir yigit uchun ulkan sharaf, mas'uliyatli burch. Armiyada o'g'lon tarbiyalanadi, shakllanadi, Vataniga, do'st-yaqinlariga mehri, sadoqati ortadi. Eng muhimi, u mustaqil inson sifatida kamolga yetib, el-yurt himoyachisi ekanini teran anglab yetadi. Ha, bugun Qurolli Kuchlar safida xizmat qilishni yigitlarimiz nafaqat muqaddas burch, balki ko'ngil ishi deb bilishmoqda. Quvonarlisi shundaki, o'z ko'ngliga quloq tutgan o'g'lonlar yurtimiz tinchligi va osoyishtaligini saqlash uchun astoydil xizmat qilishmoqda. Bu borada mardlik, jasorat va faollik ko'rsatishib, yuksak e'tibor va e'tirofga sazovor bo'lishmoqda. Quyida biz o'zlarining a'lo xizmatlari, intizomi, fidoyiligi hamda jangovar xizmatda erishgan ulkan yutuqlari uchun O'zbekiston Respublikasi Milliy xavfsizlik xizmati raisidan Minnatdorchilik xati olgan bir guruh ana shunday fidoyi, jasur chegarachi askarlar haqida hikoya qilmoqchimiz

BURCH MAS'ULIYATINI USTUVOR BILIB

Ma'lumki, askarlik er yigitdan yuksak mas'uliyat, g'ayrat-shijoat hamda fidoyilikni talab qiladi. Har bir o'g'lon muddatli harbiy xizmatni ado etarkan, zimmasidagi Vatani va xalqi oldidagi yuksak burchini uddalayotganidan ham iftixor tuyadi, ham o'zi uchun kerakli ko'pgina hayotiy bilimlar oladi. Darvoqe, armiya – hayot maktabi, degan iboraning naqadar to'g'ri ekanini bu o'rinda yana bir bor e'tirof etsak xato qilmaymiz.

Bugun muddatli xizmatni ado etayotgan askarlar orasida kelajakda harbiy sohada faoliyat yuritishni istayotganlar ko'pchilikni tashkil etmoqda. Xizmatning jozibasi, qat'iy tartib-intizom, yuksak salohiyat va hamisha jangovar shaylik kabi o'ziga xos tomonlar ular ko'nglida sohaga havas uyg'otayotganini posbonlar viqor bilan e'tirof etadilar. Zimmasidagi yuksak konstitutsiyaviy burchini chegara qo'shinlarida ado etayotgan Surxondaryo viloyatidan armiyaga chaqirilgan oddiy askar Asadbek Nozimov ham ana shunday shijoatkor yoshlardan.

– Qaysi kasbning boshini tutish, kelajakda kim bo'lish haqida o'ylab o'yimga yetolmas, har turli sohalarga o'zimni qo'yib ko'rib, birortasidan qoniqish hissini tuymasdim. El-yurt uchun foydali bo'lgan nufuzli va sharafli biror kasbning etagini tutsam, deb yurganimda, Vatan xizmatiga chaqirildim. Buni qarangki, harbiy soha aynan men orzu qilgan, ko'nglimdagidek ekan. Shu bois hayotimni harbiy xizmat bilan bog'lab, shartnoma asosida qolishga ahd qildim. Mana, askarlikning ham yarmidan ko'pi ortda qoldi. Juda ko'p narsa o'rgandim. Qiziqishlarim ortsa ortdiki, aslo kamaygani yo'q, – deydi u.

Shijoatkor o'g'lonтburchiga sadoqati, vazifani doimo sifatli va tezkor uddalashi hamda safdoshlariga ko'makka shay turishi bilan allaqachon jamoada hurmat-e'tibor qozongan. Ayniqsa, muqaddas sarhadlarimiz daxlsizligini qo'riqlab chegara postida turganida yuksak hushyorlik va ogohlik namunalarini ko'rsatgani bois bir necha marta yuqori qo'mondonlikning ham e'tirofiga sazovor bo'lgani uning Harbiy qasamyodga sodiqligi va harbiylik kasbining etagidan tutishga munosibligini ko'rsatadi.

SERGAK POSBONNING JASORATI

Ona Vatanni himoya qilish, xalq farovonligini ta'minlashdek mas'uliyatli vazifa er yigitga g'urur va iftixor bag'ishlaydi. Buni yaxshi anglagan yurt himoyachilari sarhadlarimizda hamisha shay va sergak turib, burchlarini vijdonan o'tashmoqda.

Sarhadlarimizni himoya qilish posbondan katta mas'uliyat, malaka va bilim hamda o'ta sezgirlikni talab qiladi. Buni chegara xizmati misolida ham ko'rishimiz mumkin.

...Chegara posti. Oddiy askar Azim Aqnazarov o'ziga biriktirilgan hududni sezgirlik va xushyorlik bilan qo'riqlamoqda. Har qanday vaziyatga tayyor turish uchun posbon nigohini bir zum ham post to'siqlaridan uzmasdan, vazifasini vijdonan bajarishga intilmoqda. Shu payt, post yaqinida qandaydir sharpa ko'ringanini sezgan oddiy askar Aqnazarov hushyorlikni yanada oshirib, uni kuzata boshladi. Sharpa post to'sig'iga yaqinlashgach, uni buzib o'tishga harakat qildi. Ammo, sheryurak, bilagi kuchga to'la o'g'lon bunga yo'l qo'ymadi. Buzg'unchi unga qarshilik ko'rsatishga harakat qildi. Biroq, tezkorlik bilan buzg'unchining yo'lini to'sgan posbon uni bir zumda taslim qildi.

Davlat chegarasini ishonchli himoya qilgan va namunali harbiy intizomi, jangovar shaylikka qo'shgan munosib hissasi uchun oddiy askar Aqnazarov Yurtboshimiz farmoniga ko'ra, Vatanimizning yuksak mukofoti – «Jasorat» medali bilan taqdirlandi.

– Yoshligimdan ustimga harbiy libos kiyib, Vatan himoyasiga kamarbasta bo'lishni orzu



qilardim, – deydi lavhamiz qahramoni. – Orzuim ro'yobga chiqib, tengqurlarim qatori el-yurt osoyishtaligi yo'lida munosib hissa qo'shishga intilayapman. Armiyaga kelgan ilk kunimdanoq, bizlar uchun yaratilgan sharoitlar men va safdoshlarimda katta taassurot qoldirdi. Zamonaviy sport shaharchasi va trenajyorlarda jismonan chiniqayotgan bo'lsak, ilmiy va badiiy adabiyotlarga boy kutubxonada ma'naviy bilimlarimizni yanada oshirayapmiz. Shuningdek, vazifamiz bo'yicha malakali va tajribali ofitser hamda serjantlardan soha bilimlarini puxta egallayapmiz. Bu yerda harbiy o'rtoqlik va do'stlik bizning asosiy shiorimiz. Eng asosiysi chegarachilar safida xizmat qilayotganimdan faxrlanaman. Bu men uchun katta sharaf va mas'uliyat.

Ha, vazifasiga, burchiga sodiq, jasorat, matonatda tengsiz o'g'lonlarimiz bor ekan, yurtimiz osoyishtaligi ishonchli qo'llarda deya ayta olamiz.

SARHADLARIMIZ SHOVVOZI

Ko'hna sinoat bor, tan bergan dunyo,
Mardlari bor yurtni qo'llar yer, samo,
Yengilmas kuch-qudrat aylagay ato,
Har o'g'lon shu sha'nga muyassar bo'lsin,
Vatan mardlariga sharaflar bo'lsin!

Ha, yurtga munosib o'g'lon bo'lish oson emas. Buning uchun yigitlarimizdan ma'naviy komillik, jismonan yetuklik talab etiladiki, armiya xizmati bu borada o'g'lonlarimiz uchun haqiqiy hayot maktabi, yigitlar qad rostlaydigan mardlik maydonidir.

Oddiy askar Sarvar Abdullayev muddatli xizmatga loyiq topilish uchun astoydil harakat qilgan shovvozlardan, desak arziydi. Chunki yigitlarimiz o'smirlik chog'idan boshlab askar bo'lish uchun tibbiy komissiyaning murakkab tekshirishlari va bir qator sinovlardan o'tishga tayyorgarlik ko'rib borishadi. Albatta, Sarvar ham kelajakda posbon bo'lishini o'ylab oldiga bir qator ezgu maqsadlar qo'yganiga shubha yo'q. Yillar o'tib, uning orzusi amalga oshdi. Chaqiruv komissiyasidan eng yuqori ball yig'ib, chegara qo'shinlarida xizmat qilishga loyiq topildi. Ayni damda u safdoshlariga o'rnak bo'lib kelayotgan a'lochi posbonlardan.

«Sarvarni Toshkentga chaqirishibdi, uni yuqori qo'mondonlik taqdirlar emish», degan yangilik chegara posti askarlari orasida bir zumda ovoza bo'lib ketdi. To'g'ri-da, axir u chegara buzg'unchilarini ushlashda jonbozlik ko'rsatib, qat'iyat bilan harakat qilgan, mard posbonlardan. Uning o'z burchini mahorat bilan egallagani, jasorati sabab xavfli kimsalar qo'lga olindi.

U minnatdorchilik xatini olib, poytaxtdan ko'ngli tog'dek ko'tarilib yangi kuch-g'ayrat bilan xizmat joyiga qaytdi.

Sarvar bolalik chog'laridan ofitser bo'lishni orzu qilgan o'tyurak yigitlardan. Shu sabab xizmat davomida harbiy san'at sirlarini mukammal egallashga harakat qilib kelayotgan g'ayratli posbonlardan biri. U kelajakda oliy harbiy bilim yurtiga o'qishga kirib, chegarachi ofitser bo'lishdek yuksak cho'qqini ko'zlagan. Bu borada namunali xizmati bilan maqsadi sari birinchi qadamni qo'ydi desak arziydi. Uning istiqbolda ofitser bo'lishiga komandir va safdoshlari ishonishadi. Umid qilamizki, a'lochi posbon, albatta, ularning ishonchini oqlaydi.

MARD YIGITNING MAQSADI

Vatan! Bu so'zni tilga olganimizda beixtiyor ko'z o'ngimizda kindik qonimiz to'kilgan muqaddas diyor – shahrimiz, qishlog'imiz, ota-onamiz, yaqinlarimiz gavdalanadi. Zero, Vatan tushunchasi juda keng. Unga bo'lgan mehr esa undan-da cheksiz. Bu mehr yuragimiz to'rida mustahkam va muqim joy oladi. Bu mehr har birimizni shu Vatan uchun, shu xalq uchun ezgu ishlar qilishga undaydi. Chunki yurtimiz gullab yashnashini, bu makonda doimo shodu xurramlik hukm surishini har birimiz chin ko'ngildan istaymiz va tilaymiz. Shu boisdan ham yurtning asl o'g'lonlari uning har bir qarich yerini asrashni, himoya qilishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi. Bu maqsad ularning qalbida bolaligidayoq shakllanadi. Lavhamiz orqali hikoya qilmoqchi bo'lganimiz oddiy askar Feruzbek Rahmatov ham ana shunday mard va jasur, fidoyi o'g'lonlardan biri.

«...Men ona Vatanim O'zbekistonni sevaman, qadrlayman. Shu boisdan ham bugun egnimga harbiy libos kiyib, yurtimiz tinchligi va osoyishtaligini saqlashdek muqaddas burchni o'tayotganimdan cheksiz faxrlanaman. Yurt tinchligi – xalqimizning eng bebaho boyligi. Bizning zimmamizdagi vazifa esa mana shu boylikni ko'z qorachig'idek asrash».

Ushbu so'zlar Feruzbekning ko'ngil tubidagi qalb shiori. Bu shunchaki aytilgan so'zlar emas. Bu jumlalarni aytish uchun inson yuragida yurtga sadoqat, mehr va ezgulik singari muqaddas tuyg'ular muqim bo'lmog'i kerak. Biz Feruzbekning samimiy so'zlarini tinglab turib xayolimizdan ana shunday fikrlar o'tdi. Uning siymosida tinchlik uchun fidoyilik qiladigan, mard va jasur yurt o'g'lonlarini ko'rgandek bo'ldik.

Feruzbek Rahmatov Qashqadaryo viloyatining Kitob tumanidan. Voha yigitlariga xos jo'mardlikda, mardlikda safdoshlariga har tomonlama o'rnak bo'layotgan bu posbon yigitda bolaligidayoq qalbida harbiylikka kuchli havas uyg'ongan edi. So'ng havas orzuga aylandi. Bugun esa orzusi amalga oshdi. Hozirda u chegarachilar qismida o'z yigitlik burchini o'tamoqda. Bugun u–yurt posboni. Odatda, maqsad sari intilgan inson har qanday qiyinchilikni oson yengib o'tadi. Maqolamiz qahramoni ham xizmat sinovlaridan munosib darajada o'tib, komandirlarning e'tiboriga tushdi, ishonchini qozondi. Qisqa muddatda intizomli va a'lochi askarlar safidan joy egalladi. Balki bunda uning tirishqoqligi, intiluvchanligi yordam bergandir. Chunki har bir insonning jismonan, balki ma'nan shakllanishida bu fazilatlarning o'ziga hos o'rni bo'ladi. Feruzbek o'tgan davr ichida harbiy hayotga ko'nikib, vazifasi va harbiy soha bo'yicha ancha bilimlarni egallab ulgurdi.

– Harbiy xizmat hayotimdagi eng unutilmas, sermazmun davr bo'lyapti, – deydi oddiy askar Rahmatov. – Ayni vaqtda zimmamdagi yigitlik burchimni astoydil bajarish uchun harakat qilayapman. Ha, armiya yigit kishini chiniqtiradi, toblaydi, degan gaplarning naqadar to'g'ri ekanligiga amin bo'ldim. Chunki men ham shijoat, fidoyilik, o'zimga bo'lgan ishonch tuyg'ularini harbiy xizmat mobaynida kashf etdim, desam yolg'on bo'lmaydi. Mashg'ulotlar davomida bilimimni har tomonlama oshirishga intilyapman. Buning uchun qismimizda sharoitlar yetarli. Bizdan faqat xizmatni sifatli ado etib, puxta tayyorlanish talab qilinadi. Xulosa qilib aytadigan bo'lsam, armiya hayoti menga ko'p narsani o'rgatdi. Jismonan yanada chiniqdim, ma'nan yuksaldim. Hayotga boshqacha nazar tashlashni o'rgandim. Eng muhimi, harbiylikdek sharafli kasbga mehrim oshdi. Shu bois xizmatni tamomlaganimdan keyin shartnoma asosida xizmatni davom ettirmoqchiman.

Biz oddiy askar Feruzbek Rahmatovning fikrini tinglar ekanmiz, o'tgan davr bu mard yigit uchun jismoniy va ma'naviy jihatdan yanada yuksalish va shakllanish davri bo'lganini sezdik. Feruzbek hali yosh. Oldinda esa xizmatning mashaqqatli dovonlari bor. Bu dovonlarni u shijoat, g'ayrat bilan egallashi, shubhasiz.

Sahifa MXX Chegara qo'shinlari matbuot markazi bilan hamkorlikda tayyorlandi.

МАҲОРАТ

ТАРБИЯЧИ ОФИЦЕРЛАР БЕЛЛАШДИ



Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини юксалтириш, сиёсий тайёргарлигини янада яхшилаш, офицер, сержант ва аскарлар онгида юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни уйғотиш, Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш ишлари тарбиявий иш органлари офицерларининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Бунинг учун ушбу вазифада хизмат қилаётган офицерларнинг ўзлари аввалambор мукаммал билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим.

Тарбиявий иш органлари офицерларининг маҳоратларини ошириш, профессионал тайёргарликларини янада такомиллаштириш мақсадида ИИВ Қоровул қўшинлари шахсий таркиби ўртасида турли кўрик-танловлар ва тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда ички ишлар идоралари ходимлари куни байрамига бағишлаб қисм, батальон ва взвод командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

Танлов иштирокчилари давлат ва ҳуқуқ асослари, Ўзбекистон тарихи, педагогика ва психологияга оид тест саволларига жавоб беришди. Шунингдек, жанговар қуролдан нишонга ўқ отиш ва жисмоний тайёргарлик бўйича синовдан ўтишди. Ушбу синовлар бўйича тўпланган баллар комиссия аъзолари томонидан баҳоланиб, натижалар эълон қилинди. Танлов натижалари билан танишган иштирокчилар ким қанча балл тўплагани ва қайси ўринда бораётганлигини кўриб, кейинги босқичда янада фаолроқ бўлишга ҳаракат қилдилар.

Танловнинг иккинчи куни иштирокчилар нутқ маҳорати, бирор бир тадбирга бағишлаб режа ва сценарий тузиш, компьютердан фойдаланиш бўйича синовлардан ўтдилар.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, 1-ўринни капитан Ш. Саидов (5810 балл) қўлга киритган бўлса, 2-ўринга майор Л. Баянов (5520 балл) ва учинчи ўринга катта лейтенант А. Алимовлар (5406 балл) сазовор бўлишди.

Катта сержант Б. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Награжденные Родиной

ВЫСОКАЯ ОЦЕНКА ДОБРОСОВЕСТНОЙ СЛУЖБЫ



Военная служба – дело весьма ответственное и нелегкое. Далеко не каждый человек способен жертвовать всем в своей жизни ради блага людей, переносить все ее тяготы и лишения и в любых условиях качественно выполнять поставленные задачи. И тот, кто отдает воинской службе всего себя, всю свою жизнь, – всегда на виду, о нем всегда можно услышать много лестных и добрых слов, его удостаивают самых высоких наград.

– Полковник Косенков уже почти десять лет возглавляет один из важных отделов штаба войск, – характеризует своего подчиненного представитель штаба Караульных войск офицер М. Абдуллаев. – А в нашей службе, как известно, инженерно-технические средства охраны очень важны. Игорь Александрович – настоящий профессионал своего дела, инициативный, добросовестный и ответственный офицер, очень многое делающий по оборудованию охраняемых войсками объектов инженерно-техническими средствами, поддержанию их в постоянном рабочем состоянии, подготовке в частях и подразделениях специалистов. И орден «Дустлик», которым он награжден в связи с 18-й годовщиной независимости Республики Узбекистан за высокие результаты в службе, он заслужил всей своей нелегкой службой, каждодневным упорным и добросовестным трудом.

Родился и вырос Игорь Косенков в столичной области в простой трудовой семье: отец всю жизнь работал водителем автобуса, мать – учительницей в школе. С малых лет он увлекся радиоделом, любил что-то мастерить, собирать, а потому по окончании средней школы (кстати, с золотой медалью) колебаний, куда поступать учиться дальше, не было – Ташкентский электротехнический институт связи на факультет радиосвязи и радиовещания, который затем окончил тоже на «отлично» в 1983 году. В институте он закончил военную кафедру и получил первичное офицерское звание. Затем в течение трех лет работал инженером-лаборантом АСУ республиканского узла радиовещания и телевидения и старшим инженером в Институте сейсмологии Академии наук. И вроде бы все в работе устраивало его, но что-то хотелось другое, особенное. Вскоре такая возможность представилась: во Внутренних войсках МВД, где уже служил его товарищ-однокурсник, потребовались специалисты связи, и лейтенант Игорь Косенков, решив посвятить себя делу охраны мира и спокойствия на родной земле, добровольно поступает на военную службу.

Этот шаг был крутым поворотом в его жизни. И вот прошло уже более двадцати трех лет беспокойной офицерской службы, но он ни разу не пожалел о принятом тогда решении. Старший инженер-технолог, начальник группы, заместитель начальника штаба части, старший офицер отдела штаба войск, командир воинской части и начальник отдела – таковы основные этапы служебного пути передового офицера.

– В воинской службе мне всегда везло на добрых и отзывчивых сослуживцев, – рассказывает Игорь Александрович, – как генерал В. Бухтеев, полковники А. Батраков, В. Керн, А. Рауясов, подполковники К. Москалец, С. Утянский – настоящих командиров, наставников, специалистов и воспитателей. Они заботливо растили нас молодых, терпеливо передавали свои знания и опыт, учили работать по-настоящему и успешно преодолевать любые возникшие трудности. Я, конечно, рад награде и благодарен от всей души всем тем офицерам, кто оказывал и оказывает мне помощь в службе, командованию войск, руководству МВД и лично Президенту страны за столь высокую оценку моего скромного труда.

Этой наградой отмечен не только мой вклад в общее дело, но и большой и самоотверженный труд многих моих сослуживцев и подчиненных: офицеров В. Подолько, М. Дусткобилова, Д. Баязитова, военнослужащих по контракту Д. Шарапова, Ф. Джуракулова, Р. Гатина, Б. Мухатова и многих других. Ныне предстоит еще большая работа: настало время внедрения в жизнь войск совершенно новых, более эффективных средств, основанных на современных информационных и компьютерных технологиях.

Быть за все в ответе, всецело подчинять себя интересам службы, непременно идти дальше и добиваться большего на порученном участке – всё это всегда было главным правилом передового офицера Игоря Косенкова, которым он постоянно руководствовался в своей жизни и службе. И нет сомнения, что так у него будет и впредь, к этому теперь обязывает его и высокая награда Родины – орден «Дустлик».

Николай ЧУРСИНОВ.
Фото **автора.**

Служебное собаководство

РАЗВИВАЯ ЛУЧШИЕ КАЧЕСТВА



Служебная собака, как и человек, должна учиться всю жизнь. Только тогда она демонстрирует и развивает лучшие качества своей породы. В воинских частях Министерства обороны сегодня созданы все условия для качественного содержания, кормления и использования служебных собак. Организована подготовка вожатых служебных собак в округах и частях, разрабатывается методическая литература о возможностях и важности применения служебных собак.

Личный состав Центрального питомника служебного собаководства Министерства обороны активно участвует в ежегодно проводимых в Узбекистане национальных и международных сертификатных выставках всех пород. В том числе и организованных Республиканским клубом служебного собаководства ОСО «Ватанпарвар». Это помогает зрителям наглядно увидеть, на что способны отлично подготовленные служебные собаки. Военнослужащие Министерства обороны умеют зрелищно показать действия собак по вопросам общего курса дрессировки, захвату и конвоированию нарушителя, отражения атаки условного нарушителя и многое другое.

Ни один сторож или охранник не сравнится с правильно обученной собакой при несении караульной службы. Из многочисленных пород служебных собак с различными качествами, отличаются отечественные служебные породы, сформировавшиеся на территории Узбекистана. По-своему мудро, с вековыми зоотехническими традициями создавали породы пастушьих собак народы Центральной Азии, у которых разведение собак было связано с основным занятием – скотоводством. Среднеазиатскую овчарку нельзя ни уговорить, ни запугать, ни подкупить. Ее не надо учить охранять территорию, это заложено в нее генетически.

И все же, просто так из собаки хорошего охранника не вырастить. С ней нужно заниматься, работать, уделять достаточно много внимания, особенно на начальных этапах дрессировки, чтобы в дальнейшем она превосходно охраняла государственную собственность, обеспечивала безопасность воинской части. Дрессировка должна идти поэтапно, от простого к сложному, и требует тесного взаимопонимания между собакой и человеком.

В числе военнослужащих Центрального питомника служебного собаководства МО РУ, отличившихся в ходе показательных выступлений, инструкторы дрессировки служебных собак рядовой по контракту А. Гадаев и служащий Вооруженных Сил А. Шукуров, старшие вожатые служебных собак рядовые по контракту З. Азимов и В. Раджапов. Большой вклад в поддержание работоспособности и здоровья животных вносит фельдшер ветеринарного отделения служащая Вооруженных Сил М. Колесникова. Все они за своевременную подготовку, активное участие, а также хорошие показатели в сертификатных выставках всех пород награждены Почетной грамотой начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Владимир КАЛОШИН.
Фото **автора.**

САЙЛОВ

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Жамият қонунлар асосида бошқарилади. Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат халқаро меъёрларга асосланган ҳолда ўз қонунларини ишлаб чиқаради ва шу асосда мамлакат тараққий этаверади.

Асрлар силсиласида дунёқарашлар ўзгарди, сиёсат ўзгарди, замон ўзгарди. Умумэътироф этган умумбашарий тушунчалар тафаккурдаги эврилишга айланди. Замонавий қонунлар – демократик тамойилларнинг асосини ташкил этди. Демократик йўлни танлаган ҳар бир давлат умумжаҳон эътироф этган қонунлардан андоза олган ҳолда ўз қонунларини ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий эта бошлади.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлиги таъминланишидир. Демак, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сайлов жараёнида жамиятдаги хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

2004 йил Ўзбекистон тарихига сайловлар йили сифатида ҳам муҳрланди. Ушбу сайловларнинг аҳамияти шундаки, мамлакатимизда илк бор икки палатали парламент пайдо бўлди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)га тўғридан-тўғри сайлов ўтказилиб, унда бешта сиёсий партия билан бирга сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳам иштирок этдилар. Олий Мажлис Сенати (юқори палата)га эса халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлардан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 нафардан сенаторлар сайланди. Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 16 нафар кишининг номзоди сенаторликка кўрсатилди. Шундай қилиб Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат, сенатига 100 нафар сенатор сайланди.

Маълумки, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги вакиллигини кенгайтириш мақсадида конституциямизнинг 77-моддаси биринчи қисмига ўзгартириш киритилиб, эндиликда депутатлик ўринлари сони 150 тага етди. Бунда 135 нафар депутат кўппартиявийлик асосида сайланади. 15 та депутатлик ўрни эса Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилди.

Жорий йилнинг 27 декабрида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган навбатдаги сайлов том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган муҳим воқеадир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир 30 дан ортиқ халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва улардаги асосий тамойиллар миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 14 июлдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур режага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида Мудофаа вазирининг буйруғи чиқарилди. Унда 27 декабрда бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш масалалари бўйича округ ҳамда бирлашма қўмондонлари, гарнизон, олий ҳарбий таълим муассасалари бошлиқлари ва марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм командирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳларини ташкил этиш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Навбатдаги вазифа қилиб, ҳарбий қисм ва муассасалар командирлари (бошлиқлари) томонидан жойлардаги сайлов комиссияларига ҳарбий қисм ва муассасаларда сайлов участкалари ташкил этиш бўйича тақдимнома бериш, сайловлар ўтказиш юзасидан қонунчилик ҳужжатлари бўйича билим даражаси ва тажрибаси юқори бўлган, жамоат ишларида фаол, сиёсий саводхон бўлган ҳарбий хизматчилардан иборат сайлов комиссияси аъзолари таркибини тузиш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказишни ташкил этиш бўйича ўқув-услубий машғулотлар ўтказиш, сайлов участкаларини жиҳозлаш, махсус адабиётлар, кўргазмали ташвиқот воситалари билан таъминлаш, тартибсизликлар ва турли хил салбий ҳолатларнинг олдини олиш каби бир қатор масалалар белгиланди.

Эндиги вазифа Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий аппарати ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва хизмат бошлиқлари, ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлари, бирлашма, қўшилма ва ҳарбий қисм командирлари, ҳарбий таълим муассасалари бошлиқларининг бевосита раҳбарлигида сайловлар жараёнида фаоллик кўрсатишдан иборатдир. Мудофаа вазирлиги тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини миллий қонунчилигимиз талаблари доирасида юксак даражада ўтказиш учун етарли асосимиз бор.

Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа – Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар жараёни кечмоқда. Бу ҳақиқатан халқимиз учун чин демократия мактаби бўлиши шубҳасиз. Шу боис сайлов қонунчилигини амалда қўллаш, мамлакатимиз фуқаролари ўз сайлов ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишига эришишга қаратилган ушбу жараённи ўрганиб боришимиз ва бевосита иштирокчиси бўлишимиз лозим. Бу борада эса жойлардаги участка сайлов комиссияларида малакали мутахассислар томонидан сайловчиларнинг, хусусан сайловда илк маротаба иштирок этадиган ёшларнинг, яъни муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги фуқаролар ва бошқаларнинг сайлов тўғрисидаги билимини ошириш, сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунлардан иборат. Бу қонунлар жумласига: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар киради. Уларда демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятлар ўз ифодасини топган бўлиб, бу энг аввало, сайловчилар ҳуқуқлари кафолатланишида кўзга ташланади.

Яна шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, ҳар қандай жамиятда демократик сайловлар тараққиётга янги куч берувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда янгича – икки палатали парламентга сайловларнинг ўтказилиши ўзига хос даврга тўғри келмоқда. Бугун юртимизда тубдан янгича, мустақил ўзбек давлатчилиги пайдо бўлган, асосий эътибор эса халқ фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга қаратилган, эркин фуқаролик жамияти яратилаётгани ва бу жараёнда ҳарбийларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти борлигидир.

Подполковник М. МЎМИНОВ,
Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.

ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда тузилган сайлов тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари Конституция, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғриси»даги ва бошқа қонунлардан иборат бўлиб, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос келади.

Сайлов халқчил инсонпарвар институт бўлгани боис ҳар бир шахснинг Ватанга меҳр-муҳаббатини, эрки, хоҳиш иродасини ўзида ифода этади. Ҳуқуқий маънода хоҳиш ирода заминида очиқлик, ошкоралик ва эркинлик асосида сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш ҳам мужассамланган.

2008 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни асосида қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим босқич бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ва бошқа қатор қонунлар кўппартиявий тизимни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, парламент Қонунчилик палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида ҳамда қарорлар қабул қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга катта таъсир кўрсатди.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги вакиллигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмига ўзгартириш киритилиб, депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилади. Бунда 135 нафар депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади.

Жумладан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, экологик вазият, одамлар соғлиғини яхшилаш учун курашиш масалаларининг муҳимлигини ҳисобга олиб, шунингдек, сиёсий қарашларидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари мазкур муаммоларнинг ҳал этилишидан манфаатдор эканликлари ва мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги 1-моддасига асосан Ўзбекистон экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни берилди.

Шунингдек, Қонунга Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби деб номланган 7–1-боб киритилди.

Қонунчиликка киритилган бу ўзгартириш ва қўшимчалар инсон ва фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоялашга ҳамда миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Адлия подполковниги
Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.

Ҳуқуқингизни биласизми?

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ДЕПУТАТ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Сайлов комиссияларига аъзолар қандай тартибда тайинланади? Комиссия таркибида сиёсий партиялардан вакиллар бўлиши мумкинми?

Катта лейтенант А. ҲАСАНОВ.

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Депутатликка номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

(«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси).

Ҳар кимни ҳам депутат сифатида рўйхатга олиш мумкинми, яъни бу борада қонуний чекловлар жорий этилганми? Навбатдаги саволим – ҳарбий хизматчи депутат бўла оладими?

Кичик сержант О. БЕРДИЕВ.

Қуйидагилар:

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

(«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

МАСЛАҲАТ

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамизда ҳар йили бир миллионга яқин одам йўғон ичак саратони хасталигига чалинади. Бу аввало инсон ўз саломатлигига масъулият билан қарамаслиги, яллиғланиш хасталикларини ўз вақтида даволатмаслик, нотўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик натижасидир.

Йўғон ичак саратони хасталигини барвақт аниқлаш ва даволаш усулларини янада такомиллаштириш давр тақозоси. Жаҳон тиббиётида бу йўналишда қўлланилаётган тиббий технологияларни янада ривожлантириш, илм-фан янгиликларини амалга тўла татбиқ этиш бўйича жадал иш олиб борилаётир. Бу борадаги ютуқ ва тажрибалар, қўлланилаётган илғор технологиялар мамлакатимиз тиббиётига ҳам татбиқ этилмоқда. Колопроктология соҳасида Ўзбекистон илм-фани тизимида салмоқли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борадаги юксак натижалар МДҲ мамлакатлари колопроктологлари биринчи съездининг Тошкентда ўтказилиши учун асос бўлди. 22 октябрь куни пойтахтимизда иш бошлаган ушбу тадбирга МДҲ мамлакатларидан ташқари, Европа ва Осиё минтақаларидан ҳам етакчи олим ва мутахассислар ташриф буюрди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Алимов юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизга бу борада қулай имкониятлар яратиши баробарида, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, ютуқ ва тажрибаларни жаҳон миқёсида оммалаштириш, тиббиёт илмини янада ривожлантириш учун кенг уфқларни очаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастурларида белгиланган вазифалар изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани ушбу ютуқ ва муваффақиятларнинг асосий омилидир.

Бу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар ҳаётда тўла ифодасини топаётгани туфайли халқимизга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жойларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар профилактика ва диагностика ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча имкониятларга эга. Тизимда фаолият юритаётган мутахассисларнинг малака ва маҳоратини оширишга қаратилаётган доимий эътибор хасталикларни самарали даволашда қўл келаётир.

Тиббиётнинг турли тармоқлари қатори, колопроктология соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Ҳозирги кунда бу йўналишда халқимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Республика колопроктология илмий маркази бу борада етакчи услубий, илмий-ташкилий ва амалий муассаса сифатида изчил фаолият юритмоқда. Марказда ҳар йили юксак технологиялар асосида бир ярим мингга яқин операция ўтказилади. Минглаб беморларга консультатив ва консерватив усулда тиббий ёрдам кўрсатилади.

– Жаҳоннинг етакчи мутахассисларини қамраб олган колопроктологлар съездининг Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас, – дейди Украина колопроктологлари ассоциацияси президенти, профессор Михаил Захараш. – Чунки, мамлакатингиз мутахассислари бу борада илмий ва амалий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга. Мен олимларингиз яратган илмий адабиётлар билан танишман. Ўзбекистонга ташрифим асносида Бухоро, Самарқанд, Тошкент тиббиёт муассасаларида бўлдим. Ушбу шифо муассасаларида барча қулайликлар яратилган ва шифокорларингиз юксак тиббий технологиялардан самарали фойдаланаётир.

Икки кунлик тадбирда олимлар ва шифокорлар умумий проктология, йўғон ичак саратони, ичакнинг яллиғланиш касалликлари профилактикаси, диагностика ва даволаш услублари, колопроктологияда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, тиббиётнинг ушбу йўналишида қўлланилаётган янги технологиялар, замонавий тиббий препаратлар, хасталикнинг олдини олиш бўйича долзарб вазифаларга оид маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Тиббиёт соҳаси мутахассислари томонидан олиб борилаётган кўп йиллик изланишлар, қолаверса, аҳоли тиббий саводхонлик даражасининг тобора ўсиб бориши сабаб, бугунги кунда одам организмида яшайдиган паразитлар ҳақида етарли маълумотларга эгамиз. Улардан бири лямблия – хивчинли содда паразитлардан (простейшилар) ҳисобланиб, уни фақат микроскоп орқали кўриш мумкин. Унинг вегитатив, яъни фаоллашув жараёни нок шаклида, олд қисми думалоқ, орқа қисми учли бўлиб, 9-18 мкм гачадир. Олдинги қисмида сўрувчи диски, иккита ядро ва 4 жуфт хивчини бўлганлиги сабабли ичакнинг эпители ҳужайраларига чуқур жойлашади. Лямблянинг тухуми эса овал шаклда, ҳаракатсиз, 10-14 мкм гача бўлади. Лямблянинг одам организмида кўпайиб кетиши истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига бевосита боғлиқ. Агар одам гўшт ва оқсилга бой маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилса, лямбля учун ноқулай, углеводга бой ва ўсимликлардан тайёрланадиган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилганда эса уларнинг яшаши ва кўпайиши учун шароит яратилган бўлади.

Лямблялар ингичка ичакнинг юқори қисмида яшашади. Фақатгина ич кетиш ҳолларида текширилганда уларнинг вегетатив формасини кўриш мумкин. Ўт пуфагида лямбля яшай олмайди, сабаби ўт сафроси заҳарли таъсир қилади. Дуоденал текширилганда эса, лямбляни аниқлаш мумкин, сабаби лямбля суюқлик билан ўн икки бармоқли ичак деворларига жойлашган бўлади. Ичакнинг пастки қисмида яшаш имконияти бўлмаганлиги учун тухумлари ахлат билан ташқарига чиқади. Ташқи муҳитда намлик ва ҳаво ҳарорати лямбля учун етарли бўлса, бир ойгача яшаши мумкин. Қуруқ ҳавода тез ўлади.

Лямбля асосан тозаликка риоя қилмаслик оқибатида, яхши ювилмаган мева ва сабзавотлар, кўкатлар, қайнатилмаган сувдан, болалар ўйнайдиган ўйинчоқлардан юқиши мумкин. Одам ичагига тушган ҳар бир тухум иккитадан вегетатив, яъни ҳаракатчан формасини дунёга келтиради. Шунинг учун ҳам организмда етарли шароит бўлса, тезда кўпайиб кетади. Ҳозирги кунда у нафақат болаларда, балки катталарда ҳам учрамоқда.

Организмда лямбля кўпайиб кетса: қорин оғриши, дам бўлиши ва қулдираши, ич кетиши, иштаҳа йўқолиши кузатилади, кўнгил айнийди, айрим ҳолатда ўнг қовурға остида оғриқ пайдо бўлади.

Шу сабабдан, ичак ва ўт йўли, жигар, асаб касалликларини аниқлашда муаммолар келтириб чиқаради. Инсон ўзи фаол, онгли равишда иштирок этсагина лямбля касаллигининг олдини олиш чоралари муваффақиятли амалга оширилади. Ҳар бир одам ҳеч бўлмаганда йилига икки маротаба тиббий кўрикдан ўтиши керак. Қолаверса, аҳоли яшаётган ҳудудларнинг тозалиги, санитария талабларига жавоб бериши, ушбу касалликлардан қандай сақланишни билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Лямбля профилактикасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш жудаям муҳим. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин, тупроқ билан ишлагандан сўнг албатта қўлни совун билан яхшилаб ювиш шарт. Полизда, боғда, дала-ўқув машғулотларини бажаргандан кейин қўлни яхшилаб ювмасдан озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланиш



зарур. Кўпинча тупроқларнинг ифлосланишига лямбля ва гижжа касалликлари билан оғриган беморлар сабабчи бўладилар. Ер усти ва ер ости сув манбаларини лямбля ва гижжа тухумлари билан ифлосланишдан сақлаш учун ичимлик сув иншоотлари атрофида молхона, очиқ сув ҳавзалари яқинида ҳожатхоналар қуриш қатъиян ман қилинади. Болалар муассасаларида фарзандларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар ва ўйинчоқларнинг тоза сақланишига доимо эътибор бериш зарур. Болалар тувағи, стуллар, ҳожатхона эшиги, поли ҳар куни зарур воситалар билан зарарсизлантирилиши керак. Хоналар ювилиб, ҳовлиларга сув сепиб, супурилиб турилиши зарур, чунки паразит тухумлари чанг билан бирга оғиз ва нафас олиш йўлларига тушиши мумкин. Очиқ сув ҳавзалари сувини қайнатиб ичиш маъқул. Кўпгина ҳолатларда мева ва сабзавотлар тупроқ билан ифлосланган бўлади, шунинг учун истеъмол қилишдан олдин уларни тоза сувда ювиш зарур ҳамда қайноқ сув билан чайиш мақсадга мувофиқ. Ушбу қоидаларга қатъий риоя қилсак, касаллик кенг тарқалишининг олдини олган бўламиз.

Мурувват ЖЎРАЕВА,
Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази лабораторияси бошлиғи,
Василий ЗИКОВ,
лаборатория врач-мутахассиси.

Сўраган экансиз

ТЕХНИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛСА

Жанговар техникаларни бошқариш, улардан фойдаланиш қоидалари бузилган ҳолатларда мавжуд қонунчилигимиз бўйича қандай чоралар кўрилиши мумкин?

Капитан Ш.МАМАДАЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 298-моддасида машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузганда қандай жазо қўлланилиши белгиланган. Бунга кўра, жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖАНГОВАР НАВБАТЧИЛИКНИ ЎТАШДА

Жанговар навбатчиликни ўташ қоидалари бузилганда, қандай қонуний чоралар кўрилади?

Кичик сержант Л. РАҲМОНОВ.

Жанговар навбатчиликни ўташ (жанговар хизмат) қоидаларини бузиш қўриқланаётган объектларга зарар етказилишига ёки жанговар топшириқ бажарилмай қолишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.


Ўша қилмиш Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган ҳужумни ўз вақтида пайқамаганлик ёки даф этмаганликда ифодаланса, шунингдек оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади **(Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 293-моддаси).**

Саволларга адлия подполковниги Б. МИРМАҲМУДОВ жавоб берди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

РАШК ЎТИ



Ўзимни ўта рашкчи деб биламан. Қайсидир китобда ўқиганим бор: «Рашк — севги чўлига оби ҳаёт улашадиган малҳам» эмиш... Шунинг учунми Фозил акамни ер-кўкка ишонмаслик баробарида ногоҳ ўзгага – номаҳрамга қиё боқиб қўйишини-да ҳазм қила олмайман. Агар «мен сизни жонимдан ортиқ кўраман, шу боис қизғанавераман», десам риёга юз бураётгандек бўлишим мумкин. Найлайин?! Шундай яралган эканман-да...

Бир дугонам: «Эрим кеча соат учда келди. Ошхонада тимирскиланиб юрган экан. Зўрға бошимни кўтариб: «Ҳа, тўйғизиб юбормадими?!» дедим. Кейин ухлаб қолдим. Роса мулзам бўлгандир боёқиш», деса, ғашим келди. Дунёда шундай бефарқ, бетамиз, лоқайд аёллар борлигига, улар қурган оила устунлари нақадар омонат эканлигига ўкинаман. Худо асрасин, Фозил акам бундай бесар юрмайди, дейман. Ўзимга тасалли бераман. Кўнглим хиёбонида сузиб юрган мубоҳни ҳайдаб соламан. Аммо...

Аммо қайнотамдан ажралиб, «дом»га кўчиб чиқдигу, ҳамма ўйлаганларим саробга айлана бошлади. Фозил акамнинг доим кулимсираб, меҳр нисор этиб турадиган кўзларини тундлик чулғади. Ишдан келиши билан овқатланади. Кўп ўтмай уйқуга бош қўяди. Берган саволларимга ҳам наридан-бери жавоб берарди. Ҳорғин чеҳрасидан ёғилаётган хотиржамликни илғаганимда эса юрагимнинг туб-тубида мисоли чақир тиканакдек унаётган шубҳа-гумон ниҳолларини киприкларим билан суғуриб ташлагим келарди.

Ҳаёт чигаллиги, пўртана, бехосият тўлқинлари кишини нималарга мажбур қилмайди, дейсиз?! Янги бошпана сотиб олганимиз учун анча чиқимдор бўлиб қолган эдик. Балки унинг тўлови қийин кечаётгандир? Буни сездирмасликка тиришаётгандир? Қайдам... Бу тахмин, холос. Асл ҳақиқат эса туманли уфқ узра қонталаш бўлиб турган қуюқ зулматга ўхшайди. Унинг ортида нима бор? Буниси номаълум?

Бир куни ичиб келди. Ёстиққа бош қўйди-ю, ухлаб қолди. Шу вақтга қадар бир қултум ҳам оғзига олмаган одам... Нега? Нариги хонага ўтиб, ечиб олганим — кўйлаги, костюмининг ёқаларини ҳидлаб кўрдим. Улардан ўзга аёл ифори таралмасди. Қалқони тешилган сарбоздек серрайиб қолдим. Фақат кўйлагининг ён чўнтагидан топилган таклифномагина эътиборимни тортди.

«Ҳурматли Фозилбек Ҳамроевич! Сизни фарзандларимиз Пўлатбек ва Ширинхонларнинг никоҳ оқшомига лутфан таклиф этамиз. Эҳтиром билан Иноғомовлар оиласи». Манзил кўрсатилганди. Лекин бирон жойида «келинимиз билан...» деган ёзув учрамади. Демак, ортиқча хархаша қилишга ҳожат йўқ. Ишхонасидагилардан биронтаси бўлса керак... Сабрим тўлиб борарди. Фозил акамни илк маротаба бадмаст ҳолатда кўриб туришим эди. Бу эса у ҳақидаги шаффоф туйғуларимни хира торттирар, шубҳа-гумонларим унган чакалакзор тобора қалинлашиб бормоқда эди.

Секин-аста хаёлимда тахминий воқеалар мавжи жонлана бошлади... Фозил акамнинг қачонлардир кўнгил қўйгани ушбу шодиёнада қатнашган-у, унинг васфига етиша олмаган эрим ўзининг бор аламини ичкиликдан олган. Балки ўша мен танимаган аёлнинг бўйига, кийимларига, қошларига, юзига суқланиб қарагандир?! Юрак-бағрини ғам-андуҳ, алам, ҳижрон изғирини тимдалаб ўтгандир?! Эҳтимол, мени севмас... Ҳамма муносабатларимиз турмуш икир-чикирларига чалкашиб хира тортаётгандир?! Юрагимни эговлаётган бу мушкулот йиллар давомида заха еган дарахт новдасидек залолатга маҳкум бўлаётгандир?! Ўзининг ички дардини бировга айтолмаган одам қачондир ичикиб, дарди мадда боғлайди деб эшитгандим. Ё, Раб! Буларнинг бари рўёдан ҳақиқатга айланса-я?! Наҳотки, Фозил ака улкан сирдонга айланиб барини яшириб юрган бўлса?! Бўлиши мумкин эмас! Барини ошкор этаман.

Эртаси кун ишдан келгач биринчи сўрогим шу бўлди:

— Нега ичдингиз?

Ўзини қўярга жой тополмай қимтинди. Кўзларини олиб қочди. Каловланди:

— Мени кечир... Ҳамкасабаларимиздан бири қиз чиқарди. Бормасам бўлмасди. Сени олиб борай десам, таклифномага номинг тиркалмаган... Хуллас, кечир... Шундай бўлиб қолди...

Менга ниҳоятда азиз бўлган инсон кўз олдимда истиғфор айтиб турарди. Кечирадиган иш содир бўлмаганди. Фақат шубҳа-гумонлардан яралган чирмовуқ мени ўраб олмоқда эди.

— Фақат тўғрисини айтинг. Мен энди ортиқчаман. Ҳаётингизда олдин ҳам кимдир бўлган ёки энди кимдир пайдо бўлди. Шундайми?! Яширманг, ҳақиқатни айтинг. Аччиқ бўлса-да, эшитавераман...

Фозил акамнинг ҳорғинликдан киртайган кўзларида тааҗжуб зуҳурланди:

— Нималар деяпсан?! Бу гапларни қаердан олдинг... Гапирган гапингни қара-ю...

Ортиқ жавоб бермадим. Ўзимни ошхонага урдим... Эрталаб уйғонганимда жойида йўқ эди. Столда икки энлик хат турарди:

«Мени ортиқ қидирма! Муҳим бир ишни бажариш учун кетдим. Айтганча, бу ишга иккимизнинг ўртамизда содир бўлган англашилмовчиликнинг сира ҳам аҳамияти йўқ. Хавотир олма! Тезда қайтаман... Фозил!»

Кечгача кутдим. Келмади. Ҳар доим опамдек меҳрибон бўлиб қолган Наима опаникига чиқиб ётдим. У гапларимни тингларкан: «Фозилбекни яхши биламан. Ортиқча хавотирга ўрин йўқ. Ўзингизни ортиқ уринтирманг», деди. Аёл руҳияти тескари оҳанрабога ўхшайди. Унга таскин-тасалли улашганинг сайин шубҳа-гумонлар вужудингга чирмовуқдек ўрлайди. Юрагинг қўрига лаҳжа чўғ солиб қўйгандек бўлаверади.

Хуллас, иккинчи куни ҳам дарак бўлмагач, тўғри ишхонасига бордим. Доимо ғалати кулимсираб юрадиган, даханига чўққи соқол қўйган Ғиёс исмли ўртоғи қарши олди. Фозил акам уни бадавлат оиланинг фарзанди дерди. Тўғри, Ғиёснинг димоғидан қурт ёғилади. Шундан билса бўлади.

— Қани, келинпошша, нима гап? — деди у талтайиб тамаки тортаркан.

— Фозил акамни қидириб келгандим.

— Эрингиз йўқми?

— Ҳа. Икки кундан бери уйга бормайдилар.

— Балки хафа қилгандирсиз?

— Айтишиб турамиз. Лекин бу мени ташлаб кетишига асос бўлолмайди...

Шундай дедим-у, ўзимни ўзим сўроқладим: «Нега у сени терговчидек тергайди? Нега ҳамма дардларингни тўкиб солаяпсан? Ғиёс ким бўлди сенга?»

— Менга қаранг, сиз нега мени бунча тергайсиз? Ким бўлдингиз ўзи?

Ғиёс истеҳзоли тиржайди:

— Қизишманг, келинпошша. Аччиғингиз бурнингизнинг учида тураркан-а?!

— Фозил акамнинг қаердалигини билсангиз айтинг, бўлмаса кетдим...

Шартта изимга бурилдим.

— Тўхтанг... Тўхтанг, қаёққа?

— Уйимга!

— Эрингизни излаб келгандингиз-ку.

— ...

— Майли, Фозил қаердалигини айтаман. Машинамда олиб бориб қўяман. Лекин илтимос, у ерга олиб борганимни айтмайсиз...

— Хўп...

Ғиёс сирли кулимсиради. Бу менинг бор шубҳа-гумонларимни янада ловиллашига, зилдай оғир ҳис юрагимга ғулғула солишига сабаб бўлди. Демак, шунча тақво, севаман деганлари бесамар экан-да. Қаердадир айшини суриб ётган...

Нулле «мазкур жисм сунъий йўлдош ёки самолётнинг бўлаги эканлигига ишонмайман», дея изоҳ берган. Бироқ давлат ёнғин-қутқарув хизмати бошлиғининг ёрдамчиси Инга Ветере номаълум жисмни ернинг сунъий йўлдоши ёки шунга ўхшаган предмет деб ҳисоблаяпти. Катта илмий ходи м Владимир Светцов эса уни темирдан таркиб топган метеорит демоқда. «Одатда тош метеоритлар ергача етиб келмасдан ҳавода ёниб, тугайди. Бу тахминан ҳажми бир метрга, оғирлиги бир қанча тоннага тенг темир жисм бўлиши керак», дейди жумладан олим. Шунингдек, у темир метеоритлар умумий метеоритларнинг 10 фоизини ташкил қилишини, шунга ўхшаш ҳолат ўн йилча муқаддам Бошқирдистонда содир бўлганини таъкидлаб ўтган.

Бу ғаройиб воқеанинг ёлғон эканлиги орадан бир неча кун ўтиб фош бўлди.

КАКТУС ШАКЛИДАГИ МИНОРА

Хорватияда улкан кактус шаклида минора – биоёнилғи ишлаб чиқарадиган ва ҳавони тозалайдиган станция қуриш таклиф этилди. Бу ҳақда «Prian.ru» сайтида хабар тарқатилган.



Лойиҳани мамлакатнинг «UPI 2M» номли архитекторлик бюроси таклиф қилган. Тўғри, мазкур лойиҳа фақат Хорватиянинг ўзи учун мўлжалланган. Бироқ уни бошқа мамлакатларда ҳам бемалол қўлласа бўлади. Айниқса, экологияси бузилган улкан шаҳарларда.

Ҳозирча кактус-минора учун кетадиган харажатлар аниқланган йўқ. Бунинг устига лойиҳа бўйича мамлакат расмийлари ҳам бу таклифга ўз фикрларини билдиришмаган.

КОСМИК САЁҲАТ УЧУН ЧИПТА

Австрияда супермаркетга кирадиганлар бирйўла космик саёҳат учун чипта ҳам олиш имкониятига ҳам эга бўлишяпти. Илк парвоз эса икки йилдан кейин амалга оширилиши кўзда тутилган.



Аниқроқ қилиб айтганда, жорий йил 22 октябрдан ракетопланга чипталар «Penny» супермаркет-дискаунтер тизими орқали сотиляпти. Йўлланма баҳоси 210 евро қилиб белгиланган. Ҳа, «Rocketplane Global» компаниясининг «XP» ракетапланида истаган одам 2011 йилнинг охирларидан бошлаб Американинг Оклохома штатидаги космодромдан саёҳатга чиқиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, Интернет сайти орқали чиптани янада арзон баҳода – 170 евро қийматида сотиб олиш имкони мавжуд.

Космик сайёҳларга ракетаплан бортида 117 минг метр баландликда ва 5-10 минут оралиғида вазнсизликда парвоз қилиш таклиф этилади.

«ТИТАНИК» КЕМАСИ САБАБ СУДЛАШАДИ

Машҳур «Титаник» кемасининг ғарқ бўлган жойида қидирув ишларини олиб боришда эксклюзив ҳуқуққа эга «RMS Titanic» компанияси Виржиния штати судига мурожаат қилиб, экспедиция маҳали Антлантика тубидан олинган бойликларнинг қийматини аниқлаш ва мазкур қидирув ишлари учун пул мукофоти тўлашга ёрдам бериш талабини илгари сурган.



Маълум бўлишича, компания мутахассислари афсонавий лайнер ҳалокатга учраган жойда қатор сув ости ишларини олиб боришган. Натижада сув тубидан 5,9 мингдан зиёд чинни маҳсулотлари, йўловчиларнинг шахсий буюмлари, хуллас 110 миллион доллар қийматидан ортиқ ашёлар олинган.

«Титаник»нинг ғарқ бўлган жойи 1985 йилда америкалик уммоншунос Роберт Баллард етакчилигидаги экспедиция томонидан аниқланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ



САЙЁРАМИЗ САДОСИ



Қурбонлар сони 160 нафарга етди

Якшанба куни Бағдод шаҳрида содир этилган террорчилик акти натижасида 160 киши қурбон бўлган, камида 540 киши яраланган, деб хабар қилади CNN Ироқ ички ишлар вазирлиги ахборотига таянган ҳолда. Бу сўнгги икки йил ичидаги энг қонли теракт айланди. Ироқ ҳукумати тезлик билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши чақирилишини талаб қилди. Иккита портловчи қурилма шаҳар марказида, асосан элчихоналар жойлашган ва қаттиқ қўриқланадиган «яшил зона» яқинида ишга туширилган. Биринчи бомба Бағдод провинциал кенгаши биноси, иккинчиси эса Адлия вазирлиги ёнида портлаган. Портловчи моддалар автомобиллар ўриндиғи остига яширилган экан.



Кенг кўламли операция натижасида

Бразилия федерал полицияси жанубий Парана штатида яширин гиёҳванд моддалар савдосига алоқадорликда гумон қилинган 279 кишини ҳибсга олди. Штат пойтахти Куритиба шаҳрида, шунингдек, ушбу минтақанинг яна 7 та шаҳрида бир вақтнинг ўзида ўтказилган кенг кўламли операция мобайнида 1,2 тонна марихуана, 3,5 килограмм кокаин, 3,7 килограмм крэк, 52 дона ўқотар қурол ва ўғирланганлар рўйхатида бўлган транспорт воситалари мусодара қилинди, деб хабар беради РИА «Новости» агентлиги. Барча қўлга олинган шахслар уюшган жиноятчи гуруҳ аъзолари деб тахмин қилинмоқда



Икки вертолёт тўқнашиб кетди

Афғонистон жанубида ушбу мамлакатда хавфсизликни таъминлаш мақсадида фаолият юритаётган халқаро кучларнинг навбатдаги ҳарбий операциясида иштирок этаётган иккита Америка вертолёти ҳавода тўқнашиб кетди, деб хабар қилади РИА «Новости» агентлиги. Тўқнашув натижасида 10 киши ҳалок бўлган, икки киши турли жароҳатлар олган. АР маълумотига кўра, Афғонистон ғарбида олиб борилган ҳарбий операцияда иштирок этган яна бир Америка вертолёти қулаб тушган. Ушбу ҳалокат натижасида етти нафар ҳарбий хизматчи ва уч нафар фуқаро қурбон бўлган, яна 12 нафар америкалик ва 14 нафар афғонистонликлар ярадор бўлган.



Хавфли гриппга қарши эмлаш бошланди

Германияда аҳолини чўчқа гриппи (A/H1N1)га қарши вакцинация қилиш бўйича мамлакат тарихидаги энг йирик тадбир бошланди. Унга масъул бўлган федерал ерлар маъмуриятлари Pandemrix вакцинасидан 50 миллион порция буюртма қилишган, деб хабар қилади Deutsche Welle/. Биринчи навбатда врачлар, ҳамширалар, қутқарувчилар ва полициячилар, шунингдек, сурункали касалликка йўлиққан шахслар эмланади. Pandemrix вакцинаси таркибида асосий ҳаракатланувчи модда самарадорлигини кучайтирувчи қўшимчалар бор. Бу қўшимчаларнинг инсон организмига таъсири ҳали охиригача ўрганилмагани сабабли у билан ҳомиладор аёллар, ёш болалар ва қарияларни эмлаш тавсия этилмайди.



Янги глобал валюта яратиладими?

Инқирознинг иккинчи тўлқини юзага келиши мумкин, асосий муаммолар – банк секторининг таназзулга учраши ва чакана талабнинг пасайиши – Қўшма Штатлардан келиб чиқмоқда, чунки бу ерда 25 йил мобайнида истеъмолчилар ишлаб топганларидан кўпроқ сарф-ҳаражат қилиб келганлар, – деди молиячи Жорж Сорос The Financial Times газетасига берган интервьюсида. Унинг фикрича, доллар – кучсиз валюта, аммо бошқа барча валюталар ундан ҳам заиф. Янги валюта тизими зарур, чунки дунё молия бозоридаги сурункали ва ўсиб бораётган номутаносибликлар жуда қимматга тушмоқда, деб ҳисоблайди Сорос. У махсус ўзлаштириш ҳуқуқлари, яъни SDR (ХВФ) асосида глобал валюта яратишни тавсия қилмоқда.



Бир қатор технологиялар таклиф этилади

Келажак бир неча ўн йилликлар давомида дунёда қазиб олинадиган ёқилғи турларига боғлиқликни енгиб ўтиши ва иссиқхона газлари чиқишини камайтиришга тўғри келади, деб ёзади BFM.ru портали Wall Street Journal чоп этган мақолага таянган ҳолда. Унда муваффақиятли ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш натижасида дунёдаги энергетик ландшафтни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин бўлган бир қатор технологиялар қайд этиб ўтилган. Булар – фазовий қуёш энергетикаси, янада такомиллаштирилган автомобиль аккумуляторлари, энергетик омборлар, ёниш маҳсулотлари чиқиндиларини тутиб қолиш ва сақлаш. Биргина мисол: мавжуд электростанцияларда карбонат ангидрид гази чиқишини (йилига 2 млрд. тонна) камайтириш, яъни тутиб қолиш экологик вазиятни анча яхшилаган бўлар эди.

(www.NEWSru.com).

ЭЪТИРОФ

ИСТОРИЯ ТЕМУРИДОВ: ОПИСАНИЯ, ПЕРЕВОДЫ, ИССЛЕДОВАНИЯ

В Государственном музее истории Темуридов состоялась научно-практическая конференция на тему «Источники по истории Темуридов: описания, переводы, исследования». В ней приняли участие ведущие и молодые ученые научно-исследовательских учреждений и вузов страны, а также специалисты из России и Азербайджана.

Вице-президент Академии наук Узбекистана С. Гулямов, директор Государственного музея истории Темуридов Н. Хабибуллаев, доктор исторических наук, профессор А. Ахмедов и другие отметили результативность огромной работы, осуществляемой по инициативе Президента Ислама Каримова по реформированию духовно-просветительской сферы, глубокому исследованию нашей истории, объективному изучению жизни и деятельности великих предков, доведению этих сведений до населения.

В стране хорошей традицией стало проведение юбилейных мероприятий древних городов с участием международного сообщества. Все более расширяется охват научных исследований, направленных на изучение различных граней нашего прошлого, в том числе роли Сахибкирана Амира Темура в истории развития цивилизации и эпохи Темуридов.

Как отмечают специалисты, в настоящее время в республике и за рубежом все более усиливается интерес к изучению эпохи Амира Темура и Темуридов.

В результате глубоко изучены и представлены вниманию читателей такие произведения, как «Зафарнаме» Низомиддина Шами и «Зафарнаме» Шарафиддина Али Язди, «История Амира Темура» Ибн Арабшаха. Книга «Амир Темур в мировой истории» издана на узбекском, русском, французском и английском языках. Своеобразным пособием в этом направлении служит хранящийся в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Узбекистана «Каталог восточных рукописей», где собрана информация об исторических произведениях.

Создание по инициативе Президента Ислама Каримова Государственного музея истории Темуридов способствует более широкому исследованию важных этапов нашей истории, глубокому изучению археологических находок, дальнейшему обогащению знаний о Сахибкиране.

Коллективом Государственного музея истории Темуридов в сотрудничестве с учеными научно-исследовательских учреждений и высших учебных заведений страны организовываются традиционные научно-практические конференции с целью изучения истории Амира Темура и Темуридов, популяризации проводимых в нашей стране и за рубежом научных исследований по этой тематике. Расширяются ряды участников данного мероприятия, и в текущей конференции приняли участие зарубежные специалисты, что говорит о росте уровня исследований, связанных с историей эпохи Амира Темура и Темуридов.

В ходе конференции заслушаны и обсуждены доклады об изучении источников по эпохе Темуридов, успехах и проблемах описания и перевода этих источников, о рукописях «Уложения Темура», образе Сахибкирана в западной литературе, о научных исследованиях государственности Амира Темура и эпохи Темуридов в нашей стране и за рубежом.

Б. ХИДИРОВА,
корр. УзА.

ЖАҲОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Яқинда пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган V Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси нафақат юртимиз, балки жаҳон тасвирий санъатида ҳам муҳим воқеа бўлди, десак муболағa қилмаган бўламиз. Буни тадбир иштирокчилари қатор хорижий мамлакатлардан келган ижодкорлар ҳам эътироф этишяпти. Келинг, шу ўринда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги тарқатган материал асосида улардан айримларининг фикрларини келтириб ўтайлик.

Каролина ПИРИС (Испания):

– Тошкент биенналесининг барча тадбирлари ўзаро узвийлиги, бири бошқасини тўлдириши билан эътиборимни тортди. Кўргазмаларга рассомлар, санъатшунослар билан биргаликда оддий одамлар, талабаёшлар, ўқувчиларнинг кўплаб келаётганини кузатдим. Бу эса биенналега қизиқиш юқорилигидан дарак беради. Кўргазмалар давомида ўзбек ижодкорларининг картиналари билан атрофлича танишдим. Ўзбек ва испан рассомлари асарларидаги ўзаро уйғунлик тасвирларнинг жўшқинлигида намоён бўлади.

Юнайт ЖАННЕТ хоним (Жанубий Африка Республикаси):

– Бундай катта маданий тадбирда иштирок этаётганимдан ғоят мамнунман. Тадбирларда ўзбек мусаввирлари ҳам замонавий санъат йўналишида фаол ва баракали ижод қилаётганига, ўзбек тасвирий санъати жаҳон бадиий жараёнида муносиб ўрин эгаллаб келаётганига яна бир карра гувоҳ бўлдим. Биенналенинг миқёси нақадар кенглиги, иштирокчилар ер куррасининг турли қитъаларидан экани Тошкент биенналесининг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширган.

Нилуфар ФАРРУҲ (Покистон):

– Ушбу халқаро кўргазма миллатлараро дўслик муносабатларини, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тадбир иштирокчиларини ягона мақсад – инсон маънавиятини юксалтиришга, уни чинакам гўзалликка ошно этишга, эзгулик сари даъват этишга хизмат қиладиган улуғвор ғоя бирлаштириб тургани мени жуда қувонтиради.

Лалеман ЖАН СЕБАСТЬЯН (Франция):

– Мен видео ва фото санъати йўналишида ижод қиламан. Биеннале учун тақдим этган асарларим Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида намойиш этилмоқда. Юртингизда жаҳон андозалари даражасидаги галереялар, кўргазма заллари, маданий масканларнинг барпо этилаётгани тасвирий санъат ривожи йўлида муҳим ўрин тутишини таъкидламоқчиман. Юртингизнинг тарихи, маданияти, санъатига жуда қизиқаман. Миллий санъатингиз бутун дунё аҳлини мафтун этиб келади. Негаки у асрлар мобайнида ўз жозибаси, гўзаллиги, мукаммаллиги, ўзига хослигини сақлаб келмоқда. Ўзбекистонлик рассомларнинг ижодий маҳорати алоҳида эътирофга лойиқ.

Хорст ЗИГФРИД (Германия):

– Ҳар бир ижодкорнинг ўз йўли, услуби, дунёқараши бор. Тошкент биенналеси турли мамлакатлардан келган ижодкорларнинг асарларини санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этиши баробарида юртингиздаги бадиий жараён, унинг тараққиёт йўллари, асосий тамойиллари билан атрофлича танишиш имконини берди. Ўзбек мусаввирларининг ижоди менга жуда манзур бўлди. Ўзбек диёрига, унинг меҳридарё одамлари, санъат равнақи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликка оид кўпгина қизиқарли ва ибратли жиҳатларни ўзим учун кашф этдим.

ХИВА – ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

Мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш, хорижлик сайёҳларни қадимий ва навқирон шаҳарларимизга кенг жалб қилиш, уларга замонавий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш юзасидан Хоразм вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.


Хива асрлар оша жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган қадимий кентлардан. Хиванинг бебаҳо осори-атиқалари, хусусан, умумий ер майдони қарийб 26 гектарни ташкил этадиган, 130 дан ортиқ тарихий-меъморий ёдгорликларга эга "Ичан-қалъа" музей-қўриқхонаси сайёҳларни ўзига мафтун этади.

Австралия, Италия, Франция, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия давлатларидан юзлаб сайёҳлар Хива шаҳрига келиб, халқимизнинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилувчи нодир ёдгорликларни, муаззам тарихий обидаларни томоша қилдилар.

– Қадим шаҳар обидалари бизда чуқур таассурот қолдирди, – дейди австралиялик Крис Вилькинсон. – Айниқса, Кўҳна Арк, Жомеъ масжиди, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислом Хўжа минораси каби ёдгорликлар ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Ота-боболарингизнинг закоси, бунёдкорлик салоҳияти, она юртга меҳр-муҳаббати мана шу ёдгорликларда намоён бўлиб турибди.

– Хивага биринчи марта келишим, – дейди италиялик сайёҳ Паскуаре Пантисано. – Бу шаҳар тўғрисида кўп ўқиганман. Лекин ўз кўзинг билан кўришнинг завқи бошқача экан. Аҳолининг хушмуомаласи, бизларга кўрсатилаётган эътибор, меҳмонхоналардаги қулайликлар таҳсинга лойиқ. Бизни қадим шаҳар обидалари ўзига мафтун этди, шу билан бирга, сахий кузнинг бебаҳо ноз-неъматларидан баҳраманд бўлдик. Гўзал юртингизга, бу афсонавий шаҳарга яна келиш ниятидаман.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири.



АНЪАНА

ЎЗБЕКНИНГ АРДОҚЛИ ПОЛВОНИ

Юртимизда азал-азалдан тўй-ҳашам, байрам, сайлларда турли хил томошалар уюштирилади. Яъни чавандозлар кўпкари чопади, полвонлар бел олишиб, кураш тушади, дорбозлар дор тортишиб, турли хил томошалар намойиш қилишади. Бу маросимлар халқимизнинг миллий удум ва анъаналари сифатида йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Аслида ўзбек тўйларининг ўзига хос томони ҳам шу каби анъаналарда намоён бўлади. Бу анъаналар давомчилари эса элимиз орасида ўзгача ҳурмат ва эъзозга сазовордирлар. Лавҳамиз орқали ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз, андижонлик полвон Одилжон Исроилов ҳам ана шундай эл олқишига сазовор бўлган полвонлардан бири. Одилжон аканинг номи кўпчиликка таниш. У мана бир неча йилдирки, «Водил чинори» гуруҳида ўз санъатини намойиш қилиб келмоқда.





Одатда кўпчилик полвонлар билан суҳбатлашсангиз, улар ота-боболари ҳам элда обрў қозонган полвонлар бўлишганини, улардаги полвонлик маҳорати эса авлодларига мерос бўлиб келаётганини таъкидлашади. Лекин Одилжон ака полвонлар сулоласи вакили эмас. Отаси Ғулом ака ҳайдовчи, оналари Мунаввар ая уй бекаси. Мана шундай хонадонда вояга етган, оиланинг яккаю ёлғиз ўғли келажакда полвон бўлиб етишишини ким ҳам ўйлабди дейсиз.

– Ёшлигимдан тош кўтаришга жуда қизиқаман. Бу қизиқиш эса кейинчалик қатъий мақсадга айланди, – дейди Одилжон ака. – 16 ёшимда катта даврага чиқиб, илк бор тош кўтарганман. Мен полвонлик маҳоратини, даврада ўзимни қандай тутишни, тошни моҳирлик билан ўйнатишни устозим Турсунали Мамажоновдан ўрганганман. Эндиликда бу йўлда эгаллаган маҳоратимни янада сайқаллаб, элимизга ҳунаримни ҳавола қилаяпман. Аслида полвонлик ҳам ўзига хос санъат тури. Бунда полвондан куч-ғайрат ҳамда ўзига хос иқтидор, ижрочилик маҳорати талаб этилади. Зеро, томошабинга шавқ-завқ берадиган томошалар кўрсатишнинг ўзи бўлмайди. Изланиш, ўз устида ишлаш эса полвоннинг маҳоратини оширади. Агар ушбу томошаларимиз элимизга манзур бўлса, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз.

Бугунги кунда Одилжон ака республикага донғи кетган атоқли полвонлардан бири. Бугун унинг полвонлик маҳорати, бу йўлда эришаётган муваффақияти алоҳида эътирофга эга. Чунки шу кунгача Одилжон ака бир неча бор АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатларда ранг-баранг дастурларини намойиш қилиб, миллий цирк санъатининг дунёга танилишига ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Яна бир эътирофга сазовор жиҳати, полвонлик маҳорати билан танилган қаҳрамонимиз эндиликда ўзи ҳам устоз сифатида ўндан ортиқ шогирдларга тош кўтариш сирларини ўргатиб келаяпти. Айни вақтда шогирдлари Алишер Ёдгоров, ака-ука Зайниддин, Зайнобиддин ва Зуҳриддин Мамажоновлар ҳам устозлари каби эл назарига тушган полвонлардан.

Ҳа, миллий цирк санъатининг ажралмас қисми бўлган полвонлик санъати ҳам йил сайин ривожланиб сайқал топиб бораяпти. Бунда эса юқорида таъкидлаганимиздек, Одилжон Исроилов каби полвонларнинг ҳиссаси беқиёс. Биз мақоламиз қаҳрамонининг бундан кейинги фаолиятларига муваффақият тилаб, улардан янги-янги томошалар кутиб қоламиз.

Нигора БОБОҚУЛОВА

МИЛЛИЙ ОШХОНАМИЗ ДУРДОНАСИ



Ўзбекларда «Паловни мазасини тотиб кўрмаган бўлсанг, демак, сен ҳаётда яшамаган экансан», деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, палов ўзбек миллий ошхонасининг ноёб дурдонаси ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек ошхонаси турли-туман таомларга бой. Аммо уларнинг ичида, ҳеч шубҳасиз, палов энг севимли, фахрли таом ҳисобланади ва уни «паловхонтўра» деб аташлари ҳам бежиз эмас. Палов тайёрланадиган энг асосий масаллиқлар – бу гўшт ва гуручдир. Мазкур таомни тайёрлаш услуби халқ томонидан қадим даврларда кашф этилган ва бу ҳақда X–XI асрларга оид қўлёзмаларда тилга олинган. Халқ табобатида палов қадимдан шифобахш таом ҳисобланган, буюк аллома Абу Али ибн Сино уни бемор кишиларга тана қувватдан қолганда ва оғир касалликларни бошдан ўтказган вақтларда тавсия қилган. Ҳозирги даврда эса палов тўй ва оилавий байрамларимизнинг ажралмас бир қисми бўлибгина қолмай, юртимиз ва хонадонимизга ташриф буюрган фахрий меҳмонлар ва дўсту биродарлар олдига қўйиладиган энг севимли таомдир. Ўзбеклар заминида қадимдан барча юпуқ ва муаммолар дастурхон атрофида ҳал қилинган ва, албатта, ўзидан хушбўй, мазали ҳид таратиб турган паловхонтўра дастурхонининг кўрки ва файзи бўлиб келган. Маълумки, ҳар бир ўзбек хонадонида меҳмон хилма-хил таомлар билан кутиб олинади, бироқ меҳмондорчилик, албатта, палов билан якунланади. Палов тортилиши меҳмондорчилик якунига етганидан далолат вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбек оилаларида овқатни анъанага кўра асосан аёллар тайёрласалар-да, палов тайёрлашнинг ҳақиқий устаси эркаклар ҳисобланади. Асосан эркаклар тўпланадиган анъанавий жой – чойхоналарда кучли жинс вакиллари палов тайёрлаш маҳорати бобида мусобақалашадилар. Хушхўр ва мазали палов тайёрлаш маҳорати ҳар бир ўзбек учун фахр ҳисобланади. Бундай маҳоратли кишилар халқ орасида ошпаз деб аталади ва улар доимо катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келганлар. Уста ошпазлар тўй-маъракалар, анъанавий оммавий тадбирларда битта қозонда тайёрланган палов билан минтга яқин кишини тўйдиришлари мумкин. Моҳир ошпаз ушбу таомни тайёрлаш жараёнини керакли маҳсулотларни харид қилишдан тортиб, дастурхонни безаш ва тайёр таомни меҳмонларга тортишгача назорат қилиб боради.

Ҳозирги даврга келиб пиширии усулининг хилма-хиллиги ва ишлатиладиган масаллиғига қараб паловнинг 40 дан ортиқ тури бор. Масалан: қовурма ва ивитма палов, майизли ва беҳили палов, бедана палов, қази палов, тўғрама палов, тўй палов, қийма палов ва бошқалар. Шунингдек, мазкур таомнинг софаки палов (Самарқанд вилояти), қорма палов (Қашқадарё), сузма палов (Хоразм), уғра палов (Сурхондарё) ва бошқа бир қатор турлари бор.

Бу таомни тайёрлаш жараёни жуда мураккаб бўлиб, унга масаллиқларга ишлов беришнинг 4 тури киради, яъни: ёғ доғлаш, зирвак пиширии, гуруч солиш ва маромига етказиб димлаш. Тошкент ва Фарғона водийсида, Самарқанд ва Хоразмда паловни ўзига хос усулларда тайёрлашади ва шу сабабли у нафақат ташқи кўриниши ва мазаси билан, балки дастурхонга тортиш усули билан ҳам фарқланади. Аммо барча палов тайёрлаш усуллари учун умумий технология ҳамда масаллиқларнинг мумтоз тўплами мавжуд бўлиб, уларсиз ҳақиқий пазандачилик дурдонасини тайёрлаш мумкин эмас. Ҳатто таомнинг «палов ош» деб номланиши ҳам унинг таркибига кирувчи масаллиқларнинг бош ҳарфларидан иборат экан. Яъни, пиёз, аёз – сабзи, лахм – гўшт, олио – ёғ, вет – туз, об – сув, шоли – гуруч.

Махсус зираворлар, қиздирувчи гармдори ва саримсоқ ҳам таомнинг таъмини яхшилайди ва унга хушбўй ҳид беради. Мавсумга, маҳаллий анъаналар ва тайёрлаш сабабига боғлиқ ҳолда паловга майиз, от гўшти, тухум, беҳи ва нўхат қўшилади. Аммо, энг муҳими, ошпаз тажрибали, саранжом-саришта ва сабр-тоқатли бўлиши лозим. Шундагина натижа меҳмонлар ҳафсаласини пир қилмайди.

Иштаҳангизни охиригача қиздириш мақсадида яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, паловхонтўрага мос равишда, албатта, қипқизил кулча нон ва пишиб етилган оловранг помидор, аччиқ пиёз ҳамда райҳон қўшиб тайёрланган аччиқ-чучук ҳам дастурхонга тортилади. Ва, албатта, «паловнинг қамчиси – чой» деганларидек, таомни чиройли ва нафис пиёлаларда жилваланиб турган чойсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий ўзбек таоми – палов аллақачон юртимиздан ташқарида, чет элларда ҳам машҳур ва севимли таомлардан бирига айланган. Турли қитъалар ва кўплаб шаҳарлардаги ресторанларда юртдош ошпазларимиз ўзбек миллий пазандачилик санъатининг дурдонаси бўлмиш палов тайёрлаш борасидаги ўз маҳоратлари билан барчани лол қолдириб келмоқдалар. Бу хушхабар таом ҳақида қанча гапирсак ҳам оздек туюлади. Аммо, фикрларимизни мухтасар қилган ҳолда, эътиборингизни Маҳмуд Ҳасанийнинг палов ҳақидаги ажойиб мисраларига қаратишни лозим топдик:

Қиш ўтмайди асло оловсиз,
Тура олмас ўзбек паловсиз.
Балиқ сувсиз тура олмагай,
Ўзбек ошсиз юра олмагай.
Дастурхонга тортилса палов,
Барча жонга тушади олов.
Қиш фаслининг олов шоҳидур,
Таомларнинг палов шоҳидур.
Ўрик ўтин оловга зебдир,
Думба ёғи паловга зебдир.
Палов бўлса зирали созлир,
Девзирали бўлса мумтоздир.
Тан яшнамас олов бўлмаса,
Дил яшнамас палов бўлмаса.
Ёндирар куч оловда бордир,
Қондирар куч паловда бордир.
Ўтиришлар жойи билан соз,
Палов келса чойи билан соз.
Сув келганда сойинг кенг бўлсин,
Ош келганда жойинг кенг бўлсин.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

ЭКОЛОГИЯ

ҒАРБИЙ ТЯНЬШАН – ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Ғарбий Тяньшан деб ном олган ҳамда учта қўшни давлат – Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон туташган ҳудудда жойлашган улкан тоғлик ҳудуди сайёрамизнинг энг ноёб жойларидан бири ҳисобланади ва Бутунжаҳон мероси объекти номини олиш учун барча асосларга эга.

Буни ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Тошкентда ўтказилган ва мазкур табиат бурчагини Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун тақдим этиладиган аризани расмийлаштиришга бағишланган экспертлар саммити иштирокчилари ҳам таъкидладилар. Бундай рўйхатга эса фақатгина пухта ва синчков танловдан ўтган ҳудудлар киритилади. Аммо шу туфайли ҳам бундай ҳудудлар дунё ҳамжамиятининг ҳар томонлама ва биринчи навбатдаги қўллаб-қувватлашига эришадилар, ушбу мерос объектларини сақлаш учун талаб этиладиган молиявий воситаларни жалб қилишда устувор эътиборга ҳамда ноёб табиат бойликларининг яхлитлиги ва муҳофазаси бўйича қўшимча кафолатларга эга бўладилар.

Ғарбий Тяньшан тоғлари бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга ва уларнинг анчагина қисмини сайёрамизнинг бошқа ҳеч бир ерида учрамайдиган эндемик турлар ва туркумлар ташкил этади. Улар орасида аполлон капалаги, қизил бўри, қор қоплони, Мензбир суғури, қоратоғ архари (ёввойи тоғ қўйи)нинг кенжа тури), қора гриф (калхат), балобан, қузғунлар бор.

Бу ерда учрагувчи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ўнлаб турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Қизил рўйхати ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Уларга нисбатан эҳтиёткор ва ғамхўр муносабатда бўлиш биохилма-хиллик ва генетик фондни сақлашда катта аҳамият касб этади ҳамда фан ва селекция учун жуда муҳим роль ўйнайди. Агар Ғарбий Тяньшан ёнғоқли, мевали ва бошқа маданий ўсимликлар келиб чиқиши бўйича дунё марказларидан бири эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу аниқ-равшан аён бўлади. Бу ерда уларнинг ёввойи аждодлари – олхўри, ўрик, бодом, ёнғоқ, олма, нок, узум, беда, пиёз, лолаларнинг кўплаб турлари тарқалган. Бундай генофонддан самарали фойдаланиш маданий ўсимлик ва экинларга улар йўқотиб улгурган кўплаб бебаҳо сифатларни қайтариш имконини беради. Юқори даражадаги ўрмон биохилма-хиллигига бой бўлган Ғарбий Тяньшан аллақачон сайёрамизнинг энг муҳим экологик минтақалари рўйхатига киритилган.

Ғарбий Тяньшан ҳудуди турли қенгликларга тааллуқли ҳайвонлар ва ўсимликлар аралашиб кетган жойга айланган. Шунинг учун ҳам флора (ўсимлик дунёси) ва фауна (ҳайвонот дунёси)нинг шимолий ва жанубий шакллари, реликт (қадимий) турларнинг ўзига хос бирикуви мазкур ҳудуд учун характерлидир. Бу ерда жанубий ҳинд жайраси шимолий сибир буғуси билан бир майдончада ўтлаб юриши, иссиқни ёқтирувчи ёнғоқ эса совуқ тайга вакили – қорақарағай ёки оққарағай билан ёнма-ён ўсиши мумкин. Ушбу ноёб «тоғли мамлакатда» бевосита шу ерда ва вақт бўйича деярли яқинда пайдо бўлган неоэндемикларнинг (яъни, шу жойга хос бўлган) кўплаб турлари юзага келиб бормоқда. Бу жараён нафақат табиий ривожланиш намунаси сифатида, балки Евро-Осиёнинг ўхшаш экотизимларини қайта тиклаш ва сақлашда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ҳудудда йирик геологик жараёнлар ҳам намоён бўлмоқда. Бу ерда рельефнинг барча асосий шаклларини, ўтган геологик даврлар ҳаёти изларини ўзида акс эттирган ер қобиғи эволюцияси (ривожи) босқичларини ифодаловчи турли геологик тузилмалар уйғунлигини учратиш мумкин. Бу ердаги бундан тахминан 150 миллион йил аввал мавжуд бўлган қадимий денгизда ва унинг соҳилларида яшаган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳозирги тоғ жисмларида жуда яхши сақланиб қолган излари дунёвий аҳамиятга эгадир. Топилмалар ичида гоноид балиқлари, қисқичбақасимонлар, моллюскалар, 60 дан ортиқ ўсимлик турлари изларини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳашаротларнинг 100 дан ортиқ тури ҳам қайд этилган. Мезозой даври ҳашаротларининг бундай бой ва қизиқарли тўпламини дунёнинг бошқа ҳеч бир ерида учратмайсиз.

Ғарбий Тяньшанда кўркам тоғ рельефи, гўзал сув объектлари, ёввойи ҳолда ўсувчи ёнғоқ мевали ва игнабаргли ўрмонлар, ўртатоғ ўтлоқ ва яйловлари, субальп майсазорлари уйғунлигини ҳам кўриш мумкин.

Чуқур каньон (дара)лар ва кўп поғонали шаршараларга бой бўлган хушманзара қия тепаликлар, ясси тоғсимон юзаликлар ва ғаройиб шакллардаги баланд қоялар, шафоф булоқлар ва серсув дарёлар, қорли чўққиларга қўшни бўлган баланд тоғ кўллари катта эстетик аҳамият касб этади. Ландшафтнинг бундай аҳамиятини флора ва фаунанинг кўплаб турлари янада оширади. Улар орасида афсонавий гўзалликка эга бўлган Грейг ва Кауфман лолалари, ҳимолай улари, узунқуйруқ чумчуқ ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мазкур ҳудуд экологик туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бу ерда Угом – Чатқол давлат табиат миллий боғи жойлашган. У Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари таклифи бўйича ўтган аср охирида 574 минг гектар майдонда ташкил этилган. Мазкур боғ Ғарбий Тяньшаннинг деярли барча жануби-ғарбий тоғ тармоқлари – Кўксув, Угом, Майдонтол, Пскем ва Чатқол тоғ тизмаларини қамраб олган. Миллий боғнинг баландлик диапазони денгиз сатҳидан 900 дан 4000 метргача бўлиб, ўрта тоғлик. ўрмон ва баланд тоғлик минтақаларга бўлинган. Алоҳида қўриқланадиган ҳудуд тарзида бундан ярим аср аввал ташкил этилган Чатқол биосфера қўриқхонаси миллий боғнинг марказига айланган. Бу ерда ўсимликларнинг 1300 га яқин ва умуртқали ҳайвонларнинг 240 дан ортиқ турини учратиш мумкин. Бу ерда доимий тарзда илмий тадқиқотлар, атроф-муҳит мониторинги олиб борилади. Хулоса қилиб айтганда, табиатнинг ушбу ноёб мўъжизасини келажак авлодларга сақлаш ва унинг бойлигини янада ошириб бориш борасидаги катта кўламдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.



ЭКОУЙ: ҲАҚИҚАТМИ ЁКИ ТАСАВВУР?

Яқинда хориж матбуоти («АиФ», 35-сон) саҳифаларида қизиқ бир хабарга кўзим тушди. Унда айтилишича, ҳозир Германияда сомондан деворбоп ғишт тайёрловчи бинокорларнинг профессионал уюшмаси мавжуд экан. Айни чоғда пресслаб зичланган сомон бўлакларидан бир ва икки қаватли уй деворларини тиклашнинг миллий стандартлари ҳам ишлаб чиқилибди.

Шу ҳақда ўйлаганда кўпгина қишлоқ жойларимизда бугун ҳам деворларнинг сомонли лой билан сувалишини эсладим. Бўстонлиқнинг хушманзара Хумсон қишлоғида синчли уйларни сомонли лой билан сувоқ қилишнинг антиқа усуллари борлиги ҳақида эшитганда эса жаҳонда энг тараққий этган халқлардан ҳисобланган олмонларнинг зичлаб шаклга солинган сомон бўлакларидан арзон ва қулай уй тиклашга киришганлари бежиз эмаслигини тушундим. Олмонларнинг бу кашфиётидан руҳланган Белоруснинг Белоручи қишлоғилик Евгений Широков эса ўзига ана шундай ажойиб уй қуриб олибди.

У ўзининг антиқа коттежини тиклашда шиша идишлардан пойдевор қурибди. Шиша идиш мустаҳкам ва иссиқни сақлаб туриш хусусиятига эга экан. Шиша идишлардан фойдаланиш туфайли уйнинг пойдеворига цемент одатдагидан 150 баробар кам ишлатилибди. Деворларни тиклашда эса ёғоч синчлардан фойдаланилган. Унинг ораларига қалинлиги олтмиш сантиметрли зичланган сомон бўлаклари ғиштдай қилиб қалаб чиқилган. Деворлар сирти эса металл тўр билан қопланиб, оддий лой-сувоқ қилинган. Евгений Широковнинг гувоҳлик беришича, сомон девор уй ичидаги иссиқ ҳароратни ғишт ва ёғочдан ҳам кўпроқ сақлай оларкан. Бунинг устига арзон. Оддий бир қаватли уйни тиклаш учун беш тонна сомон зарур бўлибди. Унинг ҳар тоннаси икки минг рубль туради. Шундай тежамли ва экологик жиҳатдан тоза материаллардан коттеж тиклашга ҳаммаси бўлиб, саккиз минг доллар сарфланибди.

Евгений Широков тажриба тариқасида қурган уй доира шаклида бўлиб, уни совуқ шамоллар айланиб ўтгани учун иссиқ бўларкан. Бу ҳам қадимги аждодларимиз ўз ўтовларини доира шаклида қургани бежиз эмаслигини кўрсатиб турибди. Доира шаклидаги уйнинг тепасига эса қуёш батареяси ўрнатилган. У дазмол ва кир ювиш машинасидан бошқа барча электр ускуналарни ишлатишга кифоя қилади. Бунинг устига уйда электр қувватини тежовчи электр чироқлар ўрнатилган...

Тажрибакор уста Европарламентнинг «қизил-яшиллар фракцияси» экспертларидан бири ҳисобланади. Унинг айтишича, Европада болалар саломатлиги юзасидан ўтказилган махфий тадқиқотлар ҳар жиҳатдан соғлом болалар умумий болалар сонининг атиги ўттиз фоизини ташкил этишини кўрсатган. Бундай ҳолнинг сабаби европаликлар бир кеча-кундузнинг 23 соати мобайнида сунъий равишда яратилган муҳит ичида бўлиши билан изоҳланмоқда. Ана шу муҳитнинг ичида эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган тўрт мингдан ортиқ токсинлар аниқланган. Албатта, бундай қулай муҳитни яратишда ишлатиладиган бинокорлик материалларининг барчасида санитария сертификатлари мавжуд. Бироқ уларнинг ҳаммаси биргаликда инсон саломатлигига кўрсатадиган таъсирларни ҳеч ким ҳали тадқиқ этиб кўрмаган. Уларнинг ичида ПВХ кимёвий моддасидан тайёрланган материаллар ҳам оз эмас. Бу модда иккинчи жаҳон урушидан сўнг немислар томонидан жанговар заҳарловчи моддалардан олинган. Улар эскирганда зарарли ингредиентларга сочилиб кетади. Шунинг учун ҳам космик кемаларни жиҳозлаш ишларида бу материалдан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

Бутун жаҳонда экологик ҳаракатларнинг авж олиб, зарарсиз деворбоп материаллар ишлаб чиқариш эътибор топаётгани боиси ҳам шунда эмасми? Россиядаги қурилиш фирмаларидан бирининг эгаси сомон билан боғлиқ «ноу-хау»га астойдил қизиқиб, Балашихада сомондан дастлабки коттежни қура бошлабди. Белоруссияда эса ўттиз ёш оила шундай бутун бир экоқишлоқ қурилишини маблағ билан таъминлашга тайёр туришибди. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра, сомондан тикланадиган қўшқаватли уй Минск шаҳридаги бир хонали квартиранинг нархидан анча арзонга тушаркан.

Бир пайтлар шамолнинг қуввати ва қуёш нуридан электр энергияси олиш ҳам кўпчиликка ғалати кўринган эди. Бугун юртимизда қуёш нуридан электр олиб, уйларни ёритувчи ноёб ускуналар кун сайин урф бўлиб бормоқда. Унинг ёрдамида қўриқхоналаримизда туну кун телевизор ва компьютерлар ишлатилмоқда, сув иситилмоқда, алоқа коммуникациялари электр билан таъминланмоқда. Худди шу каби зичланган сомондан арзон ва экологик қулай уй-жойлар қуриш ҳам оддий ҳолга айланадиган кунлар узоқ эмас.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳам миллий меъморчилик ва уйсозлик қурилиши билан шуғулланувчи олимларимизни мана шу йўналишдаги янги тадқиқотларга илҳомлантирса ажаб эмас.

Зеро, уйларни арзон ва қулай, энг муҳими, келажак авлодларимиз саломатлиги учун хавф туғдирмайдиган бинокорлик материалларидан тиклашга донр янгиликларнинг истиқболи катта.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ТАРАҚҚИЁТ

Инқирозга қарши чоралар дастури – амалда

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАМҒАРМА ЗАХИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз банк тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётир. Буни бўш маблағларини банк секторига ишониб топшираётган мижозлар сони тобора кўпаяётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аҳолининг банкларга қўяётган омонатлари миқдори ҳам шундан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари бўйича, 2009 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра жисмоний шахсларнинг кредит ташкилотларига жалб қилинган пул маблағлари миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 68,8 фоизга ортди. Ушбу муҳим кўрсаткич 2000 йил билан таққосланса, унинг 140,9 баравар ошганини кўрамиз.

Банк сектори эса, ўз навбатида, аҳоли ва корхоналар омонатларини жамлаган ҳолда, уларни кредит ва инвестицияларга айлантирмоқда, шу тариқа инвестиция фаолиятини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда фаол амалга оширилган жамғарма сиёсатини модернизация қилиш вазифаси муваффаққиятли бажарилди. Маълумки, банк бунинг учун омонатчиларнинг асосий эҳтиёжларини таъминлаши, яъни уларнинг маблағларини сақлаб, даромад келтириши керак. Бунда банкка бўлган ишонч ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, молия секторида бу алоҳида аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан банк соҳасини ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу борадаги имтиёзлар эса рағбатлантирувчи воситага айланди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида жисмоний шахсларни тижорат банкларига қўйилган омонатлардан олинган даромад солиғидан озод этиш белгиланган. Президентимизнинг 2008 йил 20 февралда қабул қилинган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида 2008 йилнинг 1 апрелидан 2009 йилнинг 1 апрелигача банк омонатчиларига катта имтиёзлар берилган.

Давлатимиз раҳбари 2008 йил 28 ноябрда "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди. Унда жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимоялангани белгилаб қўйилган. "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, омонатлар миқдоридан қатъи назар, уларни тўла ҳажмда қопланиши ишончли равишда кафолатланган.

2009 йил 6 апрелда Президентимизнинг "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мижознинг биринчи талабига биноан аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағлари берилишини таъминлаш юзасидан қатъий назорат ўрнатилиши ва бошқа кенг кўламли чора-тадбирлар узоқ муддатли омонатлар миқдорини кўпайтириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

2009 йилда аҳолининг бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг энг юқори даражасини Марказий банкнинг амалдаги ставкасига нисбатан камида 150 фоиз миқдорида, жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари маблағлари бўйича эса – амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш узоқ муддатли жамғармалар бозори учун яхши рағбатлантирувчи омил бўлди. (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси банк тизими фоиз сиёсатининг асоси бўлиб, у 2009 йилда 14 фоизни ташкил этмоқда). Айнан шундан сўнг узоқ муддатли (бир йилдан кам бўлмаган) ҳамда 16 ёшгача болалар номига қўйилган омонатлар, шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банкида уй-жой қурилиши учун омонат қўйиш ва бошқа омонат турлари кўпайди.

Кўплаб омонатчиларнинг прогнозларга бўлган ишончи анча ошди ва улар ўз омонатларини сақлаш муддатини бир ва ундан ортиқ йилга узайтирди. 2009 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, миллий валютадаги омонатлар тури 300 дан ошди. "Ўзсаноатқурилишбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг сақлаш муддати 3 ой ва йиллик фоиз ставкаси 30 фоиз бўлган "Истиқлол-1" ва "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг "Муаллим", Давлат-акциядорлик тижорат "Халқ банки"нинг сақлаш муддати 3-5 йил бўлган ҳамда йиллик фоиз ставкаси 26 ҳамда 30 фоиз бўлган узоқ муддатли "Кафолат" ва "Ўзсаноатқурилишбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг "Тараққиёт" депозитлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон банк тизимида амалда қўлланилаётган омонатлар мижозлар учун қулайлик яратмоқда: улар фоиз ставкалари, сақлаш муддатлари, фоиз тўлаш шартлари, омонатларини тўлдириш ёки муддатдан олдин олиш имкониятлари нуқтаи-назаридан, ўзлари учун қулай вариантни танлаш имконига эга.

Аҳолининг миллий ва чет эл валютасидаги бўш маблағларининг депозит ҳисобварақларига келиб тушишининг ўсиши банк ва омонатчилар ўртасида ишончли ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Бу, ўз навбатида, банкларга ресурс базасини мустаҳкамлаш ва йирик иқтисодий лойиҳаларга инвестиция киритиш учун қўшимча маблағлар йўналтириш имконини беради. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса мамлакатимизда кучли ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бозор иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

В. РУДАКОВА,
ЎзА мухбири.

Озод юртнинг обод уйлари

ЯНГИ ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

Президентимизнинг шу йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқ ҳаётини янада яхшилаш, турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги ишларни жадаллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга асосан Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги "Маликобод", Кармана туманидаги "Ҳазора" ва Нурота туманининг Файзулла Хўжаев номидаги фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида қишлоқ аҳоли пунктини барпо этиш режалаштирилган.

Кармана тумани бош меъмори Қаҳрамон Муҳаммадқуловнинг таъкидлашича, "Ҳазора" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун ер майдони Тошкент–Ашхобод йўли бўйидан ажратилди. Замонавий қишлоқда озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ўйингоҳлари ва бошқа тармоқларни жамлаган маҳалла гузари, элликка яқин бир қаватли шинам уйлар қурилади. Уйларни лойиҳалаштиришда ҳудуднинг жуғрофий, геологик ва иқлим хусусиятларидан келиб чиқилди.

Бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширишда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Навоий вилояти бошқармаси алоҳида ўрин тутади.

– Банк ҳузурида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ташкил этилди, – дейди "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Абдухалил Тўрақулов. – 2009–2010 йилларда қишлоқларда замонавий уй-жой қурилиши учун 26,3 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозир уй-жойга талабгорларни ўрганиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Асосан маҳаллий қурилиш материалларидан барпо этиладиган, ҳар томонлама қулайликларга эга, шинам уй-жойга қишлоқ аҳолисининг қизиқиши ошиб бормоқда. Пудратчи қурилиш ташкилотлари тендер асосида аниқланаётир. Бунёдкорлик ишлари учун етарли маблағ жамланди. Галдаги муҳим вазифа қурилиш суръатини ошириш ва қишлоқларнинг янада чирой очишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасида ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан узлуксиз таъминлашни яхшилашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда умумий қиймати 92 миллион 356 минг АҚШ доллари миқдорига тенг 311 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида ҳудудда қўшимча 6 минг 594 янги иш ўрни очилади.

Юртбошимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Оролбўйи ҳудудида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётир. Бу иқтисодиётдаги ўсиш суръатида ҳам яққол сезилмоқда. Айниқса, ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда.

Қорақалпоғистондаги 17 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 9 минг 271 фермер хўжалиги ва 225 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўз харидорини топмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда ички истеъмол бозори учун 18 минг 800 тонна полиз-сабзавот маҳсулотлари, 66 минг 100 тонна мева, 52 минг 300 тонна картошка, 6 минг 900 тонна гўшт, 40 минг тонна сут ва 132 миллион 500 минг дона тухум етиштириш кўзда тутилган.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби муттасил ортиб боришини инобатга олган ҳолда 2012 йилгача сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштириладиган майдонларни 10 минг гектарга кўпайтириш, тахминан яна шунча майдонда мевали боғ яратиш мўлжалланмоқда.

Фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан умумий майдони 75,1 гектар бўлган енгил конструкцияли 68 иссиқхона қуриш режалаштирилган. Бунинг натижасида аҳоли дастурхони сархил мевалар, дармондорига бой турли сабзавотлар, гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўкин бўлади.

Бугунги кунда Беруний туманидаги "Ёғтар", Хўжайлидаги "Турон" ва Чимбойдаги "Чимбой мой" акциядорлик жамиятлари томонидан ўсимлик ёғи, Кегейлидаги "Халқобод" ва Хўжайлидаги "Сарсенбоева Райҳон" хусусий кичик корхоналарида колбаса маҳсулотлари, "Сардор-2000" савдо уйи, "Нукус тайёрлов савдо", "Нукус нон маҳсулотлари", "Иссиқ нон" корхоналари ва "Ерлан" хусусий фирмаси томонидан турли нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, "Гулнур", "Бибиойим", "Гунеш Тахиатош" хусусий фирмаларида ишлаб чиқарилаётган гиламлар, газламалар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

БОЛАЛАР КАМОЛОТИДА МУЛЬТФИЛЬМЛАРНИНГ ЎРНИ

Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан этиб белгиланган. Болаларда одоб-ахлоқ, ота-онага ҳурмат, Ватанга муҳаббат, эзгулик ва инсонийлик каби юксак маънавий мезонларни қарор топтириш бугунги глобаллашув шароитида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.



Бу жараёнда барча болалар севиб томоша қиладиган мультфильмлар, уларнинг бола дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни беқиёс. Кино санъатининг ушбу жанри жажжи томошабинда чуқур ва ўчмас таассурот қолдиради, яхшилик ва ёмонлик ҳақида илк тушунчаларни пайдо қилади. Мультфильмлар гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ҳаётини қандай ахлоқий-маънавий мезонлар асосларга қуришида муҳим роль ўйнайди.

Пойтахтимизда Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида болаларнинг маънавий камолотида мультфильмларнинг ўрнига бағишлаб ўтказилган анжуманда шулар ҳақида сўз борди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мультфильм яратувчи режиссёрлар, рассомлар, болалар ёзувчи ва шоирлари, санъатшунослар, педагоглар, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, болалар шифрлари ижодкорлари иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи А. Исҳоқов, "Ўзингни англа" психологик маркази директори З. Азимова, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори Д.Раҳматуллаева, болалар ёзувчиси Э. Маликов ва бошқалар мамлакатимизда болаларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш барча жабҳада амалга оширилаётган ишлар, эзгу мақсадларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланганини таъкидладилар. Жумладан, миллий мультфильмлар яратиш, ривожланган ахборот-коммуникация технологиялари натижасида хориждан кириб келаётган мультфильмларнинг мафкуравий, тарбиявий ва маънавий-маърифий жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Сир эмас, ҳозирги вақтда глобаллашув туфайли бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, айниқса, ёшлар ва болалар онгу тафаккурига, тарбиясига турли таҳдидлар, ғаразли мақсадлар хавф солмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизга кириб келаётган айрим хориж мультфильмлари мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Зўравонлик, ёвузлик, жангарилик ва беҳаёлик каби иллатларни тарғиб қиладиган бундай мультасарлар халқимизнинг фарзанд тарбиялаш билан боғлиқ неча минг йиллик анъана ва қадриятларига мутлақо зиддир.

Анжуманда миллий мультфильмлар яратиш масаласи атрофлича муҳокама этилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартда қабул қилинган "Ўзбеккино" миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан бу борада муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, яратилаётган айрим мультфильмларда ранг-тасвир, овоз бериш, образларни болалар онгига мос тарзда намойиш этиш талаб даражасида эмас. Ёш болалар учун мўлжалланган айрим экран асарларида фалсафий ёндашувлар, қўрқинчли тасвирлар акс эттирилганки, улар болалар онгига салбий ғояни сингдириши, кўзланган эзгу мақсадга аксинча таъсир кўрсатиши мумкин. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан тегишли мутахассислар иштирокида 1997–2008 йилларда яратилган 36 мультфильм таҳлил этилганда уларнинг баъзиларида ана шундай ҳолатлар аниқланган.

Техника ривожланган ҳозирги даврда кўплаб мультфильмларнинг пластилин услубда яратилаётгани унинг қизиқарлилигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса фарзандларимизда миллий мультфильмларимизга эмас, чиройли ранг ва тасвирларда тайёрланган хорижий мультасарларга қизиқиш кучайишига сабаб бўлади.

Буюк аждодларимиз ҳаёти, диёримиздан етишиб чиққан миллий қаҳрамонлар ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кўплаб халқ оғзаки ижоди намуналари – афсона ва ривоятлар мавжуд. Мультфильмлар яратишда ана шундай асарлардан кенг фойдаланиш, фарзандлар онгида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий каби аждодларимиз тимсолини ёрқин рангларда, ватанпарварлик, мардлик, жасорат сингари фазилатлар уйғунлигида акс эттириш киноижодкорларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар қайд этганидек, миллий қадриятларимизга мос чет эл мультфильмларини она тилимизга таржима қилиш ва фарзандларимизга етказишни янада такомиллаштириш зарур. Таассуфки, хориж мультфильмлари айрим хусусий студиялар томонидан аслига мутлақо тўғри келмайдиган тарзда, бўлмағур сўз ва иборалар билан дубляж қилинмоқда. Ана шундай мультфильмлар дискларда кенг тарқалаётгани, баъзи вилоят телевидениелари орқали эфирга узатилаётгани айниқса ачинарлидир.

Тадбирда миллий руҳдаги, қизиқарли мультфильмлар яратиш учун мутахассислар тайёрлаш, бу жараёнда сценарист, режиссёр ва рассом ҳамкорлигини ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди. Қайд этилганидек, мультфильм фақат киномаҳсулот эмас. У фарзандларимиз онгига таъсир ўтказувчи кучли восита. Шу боис улар қандай мультфильмларни кўриши барча учун энг муҳим масаладир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири.

БАЙРАМЛАР БАЙРАМГА УЛАНАР

Юртимизда байрамлар кўп. Ахир тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади-да. Бироқ Самарқанд шаҳри ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кунлари октябрь ойининг охирларида, бир кунга тўғри келиб қолгани бежиз эмас.

Ўтган йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан бошланиб, бу йил изчил давом эттирилган реконструкция ишлари таҳсинга лойиқ. Келадиган меҳмонлар аэропорт, вокзал, қатор шоҳбекатлар, марказий университет хиёбони, бир неча истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонларнинг янги замонавий қиёфасини кўриб, ҳайратланмасликлари мумкин эмас. Бу ишлар ҳали бир неча йиллар давомида олиб борилиши мўлжалланган бўлиб, Самарқанд ҳақиқатан шаҳарсозликнинг ҳам кўҳна, ҳам замонавий намунасига айланиб бормоқда.

Жорий йилда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳам ўзининг юбилей санасини нишонлайди. Билим юртимиз шаҳарнинг энг сўлим ҳудудларидан бирида жойлашган. Бу ердаги сунъий кўл, стадион, арчазор ва тераксзорлар ўзига хос экотизимни ташкил этиб, ҳавосининг тозалиги билан ҳам ажралиб туради.

Курсантларимиз шаҳардаги барча тантаналарнинг фаол иштирокчиси ҳамдир. Булар Самарқандда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўладими, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари тантаналари бўладими, ҳаммасида иштирокчилар курсантларимизнинг ўзига хос чиқишларини олқишлар билан кутиб олишади. Ҳар йили билим юртига ўқишга кирган курсантларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишлари ва билим юрти битирувчиларига дипломлар топширилиши тантаналари Самарқанд шаҳрининг юраги бўлмиш Регистон майдонида ўтказилиши ҳам улкан рамзий маънога эга. Яъни бундай юксак тантаналар Ватан ҳимоячиларининг ўз юртига бўлган муҳаббатини янада кучайтиради.

Обиджон ТИЛЛАЕВ,
Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти профессори.

ИНТЕРНЕТДАН ҚОДИРИЙНИ ЎҚИЙМИЗМИ?

Интернет 20-аср кашфиётларининг кашфиёти. У орқали жуда кўп ахборот, маълумот, янгилик олиш мумкин. Унинг чегараси йўқ. Бир сўз билан айтганда, у ҳақда соатлаб ижобий фикрлар билдириш мумкин. Аммо, тан олиш керак бугунги интернет фойдаланувчиларимиз фақатгина унинг фойдали жиҳатларини олишгани йўқ!

Сабаби биз интернетдан илмий, фанга оид маълумотлар олиш учун ёки ахборот ресурси сифатида эмас, асосан кўнгилочар восита сифатида, мусиқа ва қўшиқ юклаш ва бошқа енгил-елпи нарсалар учун ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Ишонмасангиз, пойтахтимиздаги интернет кафеларга кириб, бир эътибор беринг. У ерга ўйин ўйнашга кирган ёшлар интернет фойдаланувчилардан икки-уч баробар кўпроқни ташкил этади. Табиийки, хизмат кўрсатувчилар ҳам компьютерларни талабга яраша мослаштиришган.

Республикамиз аҳолисининг аксарияти қишлоқларда яшашини ҳисобга олсак, у ердаги ўқув масканларида интернет йўқ. Борлари ҳам кўпинча ишлатилмайди. Кичик шаҳарлардаги лицей, коллежларда гарчи интернет тармоғи мавжуд бўлсада, фақатгина дарс вақтида ўқувчилар ихтиёрига топширилади. 45 дақиқа эса адабий сайтларга кириш у ёқда турсин, интернет билан тузукроқ танишиб олиш учун ҳам етарли эмас. Тўғри, баъзи оилаларда ота-оналар ўз фарзандалари учун шахсий компьютерлар харид қилиб, интернет улаб бермоқдалар. Аммо бундай оилалар бармоқ билан санарли. Бир сўз билан айтганда, интернет кутубхона тушунчаси ҳали бизнинг жамиятимизга тўлиқ кириб келганича йўқ. Интернетдан бадиий адабиёт топиш кўпчилигимизга ғайриоддий ҳодиса ҳисобланади. Чунки хоҳлаймизми йўқми китоб ўқишнинг ўзи камайиб кетган.

Яқинда кичик шаҳардаги мактабдош дўстим уяли телефонини титкилаб, интернетни биласанми, тушунмаяпман?, деб қолди. Бир жиҳатдан хурсанд бўлдим. Чунки ундан интернет деган сўзни эшитишнинг ўзи катта гап. Чунки биз мактабда ўқиган даврда интернет етиб келмаган, дўстим эса мактабни битирганидан сўнг ҳеч қаерда ўқимай, деҳқончилик қиларди. Аммо унинг асл мақсадини билганимдан сўнг ҳафсалам пир бўлди. У интернетни қайсидир қўшиқчининг "ижод"ини кўчириб олиш учун сўраётган экан.

Интернетдан яхшигина хабардор инсонлар ҳам аксарият ҳолларда бу ерга бошқа мақсадларда ташриф буюришади. Буни www.uz сайтидаги топ-рейтингдан ҳам билиш мумкин. Ҳатто рейтингнинг дастлабки юзталигида ҳам бирорта адабиётга оид сайт йўқ! Сайтга бирма-бир кўз югуртирар эканман, 123-қаторга келибгина электрон китобларга (адабиётга эмас!) оид сайт мавжудлигини кўрдим. Тўғри, ziyonet порталини ҳам қайсидир жиҳатдан адабиётга ҳам даҳлдор дейиш мумкин. Лекин соф адабий сайт эмаслиги аниқ. Яна бир ачинарли ҳолатга топ-рейтингнинг 383-қаторини кўрганингизда амин бўласиз. Ўзбекистон миллий кутубхонаси сайти айнан шу ўринда. Биз ташриф буюрган кунда унинг 63 ўринга пасайгани кўрсатилган эди. Таққослаш учун бошқа, нисбатан енгил сайтларни олайлик. Миллий кутубхона сайтида бир кунда ўртача 13 нафар ташриф буюрувчи бўлса, чат хизмати сайти **www.narod.uzra** деярли 2000, кино янгиликларидан иборат **www.uzboys.com** сайтига ўртача 1900, футбол фанатларининг **www.uff.uz** сайтига ўртача 1500, шоу-бизнес янгиликлари сайти – **www.sb.uz га** 1300 фойдаланувчи ташриф буюраркан. Ўзингиз хулоса чиқаринг, бизнинг интернет фойдаланувчиларимиз адабиётга қанчалик қизиқишади?

Интернет ва адабиётнинг уйғунлиги жуда кўп жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Маълумки, дунёга машҳур Нобель мукофоти олтита, жумладан, адабиёт соҳаси вакилларига ҳам тақдим этилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Нима учун ҳалигача дунё тан олган қадим Турон заминидан бирорта ҳам ушбу мукофотга лойиқ кўрилган адабиёт вакили йўқ? Мукофот Европа қитъаси вакиллари томонидан таъсис этилгани биздан бу мукофотга лойиқ инсон чиқмайди, дегани эмаску? Аммо масалани фақатгина бир жиҳатдан муҳокама қилиш нисофсизлик бўлади. Биз Нобель мукофотига даъвогарлик қилишимиз учун ўзбек адабиёти дурдоналарини таржима қилиб, дунёга танитишимиз керак-да. Дейлик, Ойбекнинг "Навоий"сини, Қодирийнинг "Ўткан кунлар"ини, Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар"ини дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилишимиз, уларни Интернет орқали ўқишга имкон яратишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида тилга олинган муаммоларнинг сабабчиси фақатгина адабиётшунослар ёки сайт яратувчиларида эмас. Унинг ечими устида ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим. Ёзувчи асар ёзса, таржимон уни бошқа тилга ўгиради, ўгирилган асар бутун дунёдаги сайтларга (фақатгина "uz" домьенидаги сайтларда эмас!) жойлаштирилади. Реклама қилинса ҳам зарар қилмайди. Қарабсизки, бизнинг ёзувчиларимиз ҳам дунё миқёсидаги обрўга эга бўлади. Бундан эса нафақат ёзувчи ёки ўқувчи, балки бутун халқ ютади.

Абдумажид АҲМЕДОВ.

СПОРТ

«Лондон-2012» умидлари

ЮКСАК ПАРВОЗГА ШАЙЛАНАЁТГАН ҚУШ

ёхуд баландликка сакраш бўйича ноёб истеъдод соҳибаси кичик сержант Надия Дўсанова ҳақида

Яқинда пойтахтимизда енгил атлетика бўйича Марказий ҳарбий спорт клуби очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Баландликка сакраш бўйича баҳсларда қатнашган кичик сержант Надия Дўсанова 1, 95 метр натижа кўрсатиб, мусобақа ғолибаси бўлди. Надиянинг ютуғини «нари борса Марказий Осиё доирасидаги кичик бир мусобақада ғолиб чиқиш унчалик катта муваффақият эмас» дея баҳолаш мумкин. Агар чуқурроқ эътибор бериб қаралса, унинг очиқ чемпионатда кўрсатган натижаси қарийб Осиё рекордига тенгдир.



Кичик сержант Надия ДЎСАНОВА. 1987 йил 17 ноябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган. Баландликка сакраш бўйича кўп карра Ўзбекистон ва қитъа чемпиони, Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндори, Ўзбекистон ва Осиё рекордчиси. Пекин Олимпиадаси ва жаҳон чемпионатлари қатнашчиси.

Жаҳон спорт жамоатчилиги азал-азалдан енгил атлетикага катта эътибор қаратган. Ахир у бежизга «Олимпия ўйинлари қироли» деб юритилмайди. Айниқса «ахборот асри» деб башорат қилинаётган XXI асрнинг дастлабки йилларида бу спорт турини кенгроқ оммавийлаштиришга, уни янада ривожлантиришга кўпгина мамлакатларда алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, Олимпиада ўйинлари ичида ҳали ҳамон енгил атлетика ўз мавқеини сақлаган ҳолда ҳукмронлик қилмоқда. Шу боис нафақат кичик, балки катта давлатлар ҳам Олимпиада ўйинларининг энг кўп медаллар шодаси уланадиган бу спорт тури бўйича финал босқич баҳсларига бутун дунё халқлари эътибори қаратилади. Майдонда спортчилар Олимпиада ўйинлари медаллари учун беллашса, майдон ташқариси ва телеэкранлар қаршисида мамлакатлар қудрати, шаъни, шавкати учун кураш боради. Жажжи давлатлар учун бу баҳсларда ўз вакилининг ғолиб чиқиши эмас (ютуқ бўлсаку... нур устига янада аъло нур), балки бутун жаҳон халқлари диққат марказидаги майдонда ўз спортчисининг борлиги, таништирувчи ҳакамлар томонидан спортчисининг исм-фамилиясига қўшиб уни камол топтирган Ватан номи тилга олинишининг ўзи катта муваффақиятдир. Бизнинг юртимизда ҳам барча спорт турлари қатори енгил атлетикани ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаяпти. Бу борада дунё миқёсидаги улкан ютуқларимиз билан ҳозирча мақтанолмасак-да, бир қатор истеъдодли ёшларнинг камол топаётгани, улар сўнгги йилларда муваффақиятлари билан халқаро майдонда ном қозонаётгани фикримизнинг далилидир. Мутахассислар томонидан келажагига катта умид билдирилаётган шундай ёш ва истеъдодли спортчиларимиздан бири Марказий ҳарбий спорт клуби вакили кичик сержант Надия Дўсановадир.

Спортда пайдо бўлаётган янги истеъдодлар бирдан ярқ этиб кўзга ташланади. Надия Дўсанова ҳақида бундай дея олмаймиз. Чунки Надия 18 ёшида, аниқроғи 2005 йили Москвада Эдуард Григорян хотираси учун ўтказилган халқаро турнирда 1,75 метр натижа кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллаганида буни Россия матбуоти ходимлари жуда яхши кўрсаткич сифатида баҳолашди. Ўзбекистон спорт жамоатчилиги эса, аксинча, Дўсанованинг натижасига совуққон муносабатда бўлишди. Чунки ўша пайтда баландликка сакраш бўйича бизда бошқа бир спортчи – Светлана Радзивилнинг маҳорати айни сайқал топган давр эди ва у юртимиз спорт мухлисларининг диққат эътиборида турганди. Боз устига Эдуард Григорян хотира турнирида Светлана Радзивил 1,85 метр натижа билан биринчи поғонага кўтарилганди. Орадан беш ой ўтгач, ўсмирлар ўртасидаги МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўйинларида Надия Дўсанова 1,79 метр баландликни забт этди. Бу турнирнинг тўртинчи кўрсаткичи бўлганлиги учун Дўсанова яна эътибордан четда қолди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, Надиянинг катта спорт майдонига чиқиши Светлана учун ҳам фойда берди. Икки спортчи ўртасида пайдо бўлган рақобат ҳар иккисининг ўз устиларида кўпроқ ишлашларига, маҳоратлари янада сайқалланишига сабаб бўлди. Хусусан, 2006 йили Светлана Радзивил Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида 1, 91 метр баландликдан ошиб тушиб, қитъа чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Надия эса бу натижани 2007 йилнинг ёзида Ҳиндистонда ўтказилган Осиё Гран-присида забт этиб, халқаро мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Рақобат бор жойда ўсиш, ривожланиш бор. Бу оддий аксиома ҳақиқатлигини Светлана ва Надия ўртасидаги соғлом рақобат ҳам яна бир бор кўрсатди. Уларнинг рақобатлашуви охир оқибат ҳар иккиси томонидан Осиё рекордининг ўрнатилишига олиб келди. Светлана Радзивил 2008 йилнинг 22 май куни Ўзбекистон кубоги учун кечган очиқ чемпионатда 1, 98 метр натижа кўрсатиб, Ўзбекистон ва Осиё рекордини ўрнатган бўлса, орадан икки ой ўтгач кичик сержант Надия Дўсанова Литва пойтахти Каунасда ўтказилган халқаро турнирда бу натижани такрорлади. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, хотин-қизлар ўртасида баландликка сакраш бўйича жаҳон рекорди 2,09 метр бўлиб, у 1987 йили Римда болгариялик Стевка Костадинова томонидан, Олимпиада рекорди эса 2,06 метр бўлиб, у 2004 йили россиялик Елена Слесаренко томонидан ўрнатилган. Демакки, Надиянинг ҳали ёшлигини инобатга оладиган бўлсак ва у ўз устида тинмай ишлашда давом этса, бу рекордларни такрорлаши мумкин ва ундан навбатдаги Олимпиада ўйинларида янада юқори натижалар кутиб қолишга ҳақлимиз. Чунки у айни кунда 2 метр баландликни забт этиш остонасида турибди. Қолаверса барча Олимпиадаларда ҳам рекордлар ўрнатилавермайди. Спортчи рекорд натижасиз ҳам Олимпиада ўйинлари ёки жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга киритиши мумкин. Бундан 2008 йилги Пекин Олимпиадаси ва 2009 йилги жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баландликка сакраш баҳслари ҳам мустасно эмас. Жумладан, Берлинда ўтказилган бу йилги дунё биринчилигида хорватиялик Б. Власич 2,04 метр натижа билан жаҳон чемпиони бўлди. Совриндорлар эса 2,02 метр натижа кўрсатишди.

Дарвоқе, мазкур жаҳон чемпионатида кичик сержант Надия Дўсанова ҳам иштирок этди. Бахтга қарши чемпионатда Надиянинг омади чопмади – дунё биринчилигининг салобати босдими, ҳаяжонландими, ҳар ҳолда имконияти даражасидаги натижани кўрсатолмади ва 19-поғонани эгаллади. Лекин орадан бир ҳафта ўтгач, Таллинда 1,89 метр натижа кўрсатиб, халқаро турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди.

– Кичик сержант Надия Дўсанова ноёб истеъдод соҳибаси, у келажакда йирик халқаро турнирларда, Олимпиада ўйинларида юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонаман, – дейди енгил атлетика бўйича Марказий ҳарбий спорт клуби мураббийи Анвар Кўчмуродов. – Надия бугунги кунги машғулотларда 1, 95 метр баландликдан ҳеч қийналмасдан ошиб ўтаяпти. Бу натижани у яқинда бўлиб ўтган Марказий ҳарбий спорт клуби очиқ чемпионатида такрорлаб, биринчилик ғолибаси бўлди. У 2 метрлик маррани забт этишга ҳам яқин турибди, мураббийи Валентина Лебединская билан сўнгги пайтда айнан ана шу мақсад устида ишлашаяпти. «Лондон-2012» Олимпиадасига қадар Надия бундан-да юқори баландликни забт этадиган даражада маҳоратга эга бўлишига умид қиламан. Бу йилги жаҳон чемпионатидаги омадсизлигига келсак, спортчи ҳар доим ҳам имконияти даражасидаги натижани кўрсатавермайди, чунки... бу спорт, у шуниси билан қизиқарли.

Ҳа, мураббий ҳақ. Негаки, кичик сержант Надия Дўсанова Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатига қадар Хитойнинг Сучжоу, Гонконг ва Куньшан шаҳарларида бўлиб ўтган уч босқичли Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақаларда дунё биринчилигида кўрсатган натижасидан юқорироқ баландликлардан ошиб тушган ва нуфузли турнирларнинг олтин ҳамда бронза медалларига сазовор бўлган эди. Жаҳон чемпионати ва расмий мусобақаларда бироз сояда қолиб кетаётган, лекин унинг ташқарисидаги мусобақаларда эса босқичма-босқич тобора юқори натижалар кўрсатаётган спортчимизнинг ҳолати бизга юксак парвозга шайланаётган қушни эслатади ва унинг улкан ютуқлари ҳали олдинда тургандек туюлади.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида биз Надия билан учрашишга анча қийналдик. Тўғриси, биздан, у ва мураббийи В. Лебединская навбатдаги нуфузли мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўриш, янада баландроқ маррани забт этиш машғулотлари билан банд бўлганлиги учун уларни безовта қилмаслигимизни сўрашди. Лекин... Надия билан учрашишнинг имконини топдик ва саволимиз, албатта, нима учун у Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида юқори натижа кўрсатолмаётганлиги ва бунинг сабаблари хусусида бўлди.

– Чунки Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари юқори даражадаги мусобақалар ва унда ҳар қандай спортчи ҳам ҳаяжонланиши табиий. Бундай мусобақаларга мураббийим билан бирга руҳий жиҳатдан ҳам ҳар қанча тайёргарлик кўрсак-да, барибир мени мухлислар салобати босаяпти ва ҳатто ўз имкониятим даражасидаги натижани ҳам кўрсатолмаяпман. Айни пайтда мураббийим ана шу жиҳатдан ҳам мен билан кўпроқ иш олиб бораяпди. Бу муаммо менинг ёшим билан боғлиқ бўлса керак, келгусида биз уни енгиб ўтамиз, чунки менинг орзуим келажакда Олимпиада ўйинлари ғолиби бўлиш.

Демакки, Надия ва Светлана ўртасидаги рақобат яна давом этади. Унинг натижаси сизу биз спорт мухлисларига бир олам қувонч олиб келишидан умид қилиб қоламиз. Олға Надия, сен билан Ўзбекистон!


Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

СПОРТ

Теннис

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошида юртимизда теннисни оммавийлаштириш ва ривожлантириш учун мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ўрнатилган пойдевор бугунги кунда ўз самарасини бера бошлади. Бу бир қатор ёш теннисчиларимизнинг халқаро майдонга чиққанлигида ва улар тобора яхши натижаларга эришаётганида ҳам яққол кўзга ташланаяпти.



«Умид билан суқилган таёқ, Бир кун берар мева-ю, япроқ», – дейди шоир. Халқ мақоли ва эзгуликка омихта бу сатрлар ҳаётийлигига бугунги кунда мамлакатимиз теннисида ҳам воқиф бўлаяпмиз. Газетамизнинг ўтган сонида теннисчиларимиз Денис Истомин ва Мурод Иноятовнинг «Challenger Tashkent-2009» турнирида ва Денис Истоминнинг Бельгияда ўтказилган «Челленжер» турниридаги муваффақиятлари ҳақида фахр билан ҳикоя қилган эдик. Ана шундай хушхабарларни Туркия, Тринидад ва Тобаго ҳамда Москвадан ҳам олдик.

Истеъдодли теннисчиларимиздан бири Альбина Хабибулина юртимиз спорт мухлисларини хурсанд қиладиган муваффақиятга эришди. У туркиялик Чагла Буюкакчай билан бирга Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Туркияда ташкил этилган хотин-қизлар ўртасидаги нуфузли халқаро мусобақанинг жуфтлик баҳслари ғолибаси бўлди. Улар финалга қадар Сузана Злочкова (Словакия) ва Паула Кания (Польша) жуфтлигини 6:1, 6:1, Даниэлла Хармсен (Голландия) и Юлия Стаматова (Болгария) жуфтлигини 3:6, 6:4, 10:3 ҳисобида мағлуб этишди. Ҳал қилувчи финал баҳсида Аманда Каррерас (Буюк Британия) ва Валентина Конфалониера (Италия) жуфтлиги 2:6, 7:5, 10:7 ҳисобида доғда қолдирилди.

Юртимиз теннисининг «биринчи ракеткаси» Оқгул Аммуродова эса руминиялик Моника Никулеску билан бирга Москвада ўтказилган «Кремль кубоги» халқаро турнирининг жуфтлик баҳсларида муваффақиятли қатнашди. Улар турнир чорак финалида Татьяна Пучек (Белорусь) ва Мария Коритцева (Украина) жуфтлигини 6:0, 7:6 (7:4) ҳисобида мағлубиятга учратишди ва ярим финалга йўлланма олишди. Гарчи навбатдаги босқичда Кондратьева (Россия) ва Закопалова (Чехия) жуфтлигига қарши тенг кураш остида кечган учрашувда 3:6, 6:2, 11:9 ҳисобида имконият бой берилган бўлса-да, нуфузли турнирда ярим финалгача боришнинг ўзи катта муваффақиятдир. У бокс мусобақаларидаги бронза медаль билан тенг натижадир.

«Кремль кубоги»да Денис Истомин ҳам иштирок этди. У аввалги турнирларда олган жароҳати туфайли украиналик Илья Марченкога қарши ўйинни охиригача етказа олмади ва учрашув якунланмасдан кортни тарк этишга мажбур бўлди.

Энг ёш теннисчиларимиздан бири – 14 ёшли Наталия Набиева Тринидад ва Тобагода ўтказилган ITF таснифига кирувчи халқаро мусобақанинг яккалик баҳслари ғолибаси бўлди. У америкалик Николь Гордонни 6:2, 6:2, венесуэлалик Паулу Мотойяни 6:3, 7:5, германиялик Фриззи Бшорерни 6:4, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи финал баҳсида эса канадалик теннисчи Эмму Ониладан 6:1, 7:5 ҳисобида устун келиб, бош совринни қўлга киритди.

Малайзияда ўтказилаётган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда ҳам вакилларимиз муваффақиятли қатнашишмоқда. Жумладан, Сергей Шипилов хитойлик Ии Чен Лини 6:0, 6:3, бошқа бир ҳамюртимиз Жаҳонгир Жалолов малайзиялик Аҳмад Абдуразzоқни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жуфтлик баҳсларида эса вакилларимиз биргаликда Тун Жи Чанг (Малайзия) ва Жуо Жангдан (Хитой) 6:0, 6:2 ҳисобида устун келиб, чорак финалга йўлланма олишди.

Футбол

«БУНЁДКОР» – ЧЕМПИОН



Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги баҳслар тугашига тўрт тур қолганда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси навбатдаги чемпионликни қўлга киритди.



Шу пайтгача ҳеч бир жамоа биринчилик баҳслари тугашига ҳали тўрт тур борлигида чемпионликни нишонламаган. Қизиғи, чемпионлик «Бунёдкор» иштирокидаги учрашувда эмас, балки бошқа жамоалар белашувидан сўнг маълум бўлди. «Металлург» – «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги ўйиннинг ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтида ёшлар терма жамоамиз аъзоси Иван Нагаев томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган тўп учрашув дуранг (1:1) натижа билан тугашини таъминлади ва чемпионатнинг қолган тур учрашувларида қандай натижалар қайд этилишидан қатъий назар «Бунёдкор» жамоаси чемпионликни расман қўлга киритди.

1992 йилдан буён ўтказиб келинаётган Ўзбекистон чемпионатлари тарихида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси икки марта (2001 ва 2002 йилларда) биринчилик баҳслари якунланишига уч тур қолганда чемпионликни нишонлашга муваффақ бўлган эди. «Бунёдкор» эса бу рекордни яна бешта учрашувда майдонга тушиши керак бўлган ҳолатда («Машъал» – «Бунёдкор» учрашуви муддати ҳам кечиктирилган) янгилади.

Муддатидан олдин чемпионликни қўлга киритган «Бунёдкор» чемпионатнинг 27-туридан ўрин олган «Локомотив»га қарши учрашувини ҳам ўтказди ва майдон эгалари чемпионлик кайфиятида майдонга чиқишди. Темирйўлчилар ўйиннинг 7-дақиқасидаёқ уларнинг дарвозасини ишғол этиб, кайфиятларини бузишга муваффақ бўлишди. Лекин «Бунёдкор» учрашувда ғалаба қозонишнинг (2:1) уддасидан чиқди. Ўйиндан сўнг Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати ғолибини шарафлаш тантаналари ўтказилди. Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан «Бунёдкор» жамоасига чемпионлик кубоги топширилди. Ташқи кўринишидан УЕФА кубогини эслатувчи махсус кубок Италияда тайёрланган. Кетма-кет иккинчи марта чемпионликни қўлга киритган «Бунёдкор» жамоаси аъзолари кубокни ўз мухлислари кўз олдида бошлари узра баланд кўтаришди.

«Бунёдкор» футболчилари қувончига мавсум давомида жамоани қўллаб-қувватлаб келган мухлислар ҳам шерик бўлишди. Тантаналарда фан-клубнинг энг фаол аъзоларига эсдалик совғалари ҳадя қилинди, жумладан фан-клуб раҳбари Абдураҳмон Фозиловга «Нексия», унинг ёрдамчиси Шавкат Имомовга «Матиз» автомобилининг калити топширилди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

ҚАЙДНОМА

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Новосибирск шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда вакилларимиз муваффақиятли қатнашишди. Муҳаммадисо Аҳмадалиев ўз вазн тоифасида ғолиб чиқиб, халқаро турнирнинг олтин медалини қўлга киритди. Жасур Абдурасулов ва Руслан Комилов эса кумуш медалга сазовор бўлишди.

БОКС. Москвада профессионал бокс кечаси ташкил этилди. Юртдошимиз Бахтиёр Жўраев россиялик Александр Исматовни иккинчи раунддаёқ нокаутга учратиб, профессионал рингдаги фаолиятини ғалаба билан бошлади.

ФУТБОЛ. Ўсмирлар терма жамоамиз (U-16) Малайзияда ўтказилган Осиё чемпионатининг «А» гуруҳи саралаш баҳсларида муваффақиятли қатнашди. Алексей Естафеев мураббийлик қилаётган терма жамоамиз дастлаб покистонлик тенгқурларини 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. Қувайтликларга қарши кечган иккинчи учрашувда ҳам шундай ҳисобда ғалаба қозонилди. Вакилларимиз учинчи турда афғонистонликлар дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритишиб, қитъа чемпионатининг финал босқичига йўлланмани нақд қилиб қўйишди. Саудия Арабистони ўсмирлар терма жамоасига қарши ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган сўнгги учрашувда 0:0 ҳисоби қайд этилди.

* * *

Осиё чемпионатининг саралаш босқич баҳсларига тайёргарлик кўраётган ёшлар терма жамоамиз (U-19) эса Қатарда навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини ўтказди. Марат Кабаев мураббийлик қилаётган терма жамоамиз йиғин давомида ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказиб, қатарлик тенгқурларига қарши икки марта майдонга чиқишди. Ҳар икки учрашувда ҳам вакилларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Эслатиб ўтамиз, ёшлар терма жамоамиз декабрда Покистонда ўтказиладиган «Д» гуруҳи саралаш баҳсларида Эрон, Туркманистон, Ливан ҳамда Мальдив оролларини ёшлар терма жамоалари билан ўзаро куч синашиб, Осиё чемпионатининг финал босқичига берилади иккита йўлланма учун кураш олиб боради.

ЭРКИН КУРАШ. Тўққиз мамлакатнинг 150 нафар кучли полвонлари иштирок этган Россиядаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Қурбон Қурбонов ҳам қатнашди. 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан курашчимиздан фақат финалда омад юз ўгирди ва у халқаро турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида жаҳон ва Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Унда жаҳоннинг 60 га яқин мамлакатларидан келган полвонлар ўзаро беллашишяпти. Мусобақалар белбоғли курашнинг эркин ва миллий йўналишлари бўйича ўсмирлар, катталар ва спорт усталари, яъни фахрий спортчилар ўртасида ўтказилмоқда. Мусобақалар доирасида белбоғли курашни бутун дунё бўйлаб оммалаштиришга қаратилган илмий-амалий конференция ҳам ташкил этилади.

РЕГБИ. Мумбайда ўтказилган халқаро мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллади. Вакилларимиз турнирда Ҳиндистоннинг Чеенаи Четаҳс, Деҳли Лионс, Маҳараштра полисе жамоаларини мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

УШУ. Шу кунларда Канадада ушу бўйича Х жаҳон чемпионати баҳслари қизғин паллага кирди. Жаҳоннинг 1500 нафар энг кучли спортчиларини жамлаган мазкур дунё биринчилигида юртимиз терма жамоаси ҳам иштирок этаяпти. Терма жамоамизга ўн нафар спортчи жалб этилган. Улар ушунинг икки йўналиши бўйича юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқда.

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА. Грециянинг Олимпия шаҳрида 2010 йилги Қишки Олимпиада ўйинлари машъаласи ёқилди. Анъанага кўра у қуёш нури ёрдамида аланга олдирилди. Энди у 2010 йилнинг 12–28 февраль кунлари Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиаданинг сўнгги кунларигача ўчирилмайди. Саккиз кундан сўнг олимпия машъаласи Ванкувер қишки Олимпиадаси ташкилотчиларига топширилади ва у самолётда Виктория шаҳрига элтилади. Ванкуверга олимпия оловини элтиш бўйича 45 минг километрлик эстафета марафони 30 октябрь куни айнан шу ердан бошланади.

МАДАНИЯТ

САНЪАТГА ОШНО САНЪАТ

Бирор миллатга баҳо берилганда, унинг улуғлиги, ўзига хослиги ҳақида сўз кетганда, аввало, қадриятлари, маънавий хазинасига урғу берилади. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида юртимизда қадимий анъаналаримизни қайта тиклаш, боболар томонидан бунёд этилган маданий меросимизни асраб-авайлаш, авлодлар онгу шуурида уларга нисбатан ифтихор, эҳтиром туйғуларини кучайтириш, эртамиз эгаларининг ана шу эзгу анъаналарни муваффақиятли давом эттиришларига замин ҳозирлаш мақсадида миллий меъморчилик, мусиқа, театр санъатини ривожлантириш, бу соҳаларга янгича анъаналарни олиб киришга жиддий эътибор қаратила бошланди. Хусусан, миллий мусиқа санъатини тараққий эттириш, жаҳон саҳнасига олиб чиқиш, мумтоз мусиқачилигимизнинг бебаҳо намуналари довруғини оламга танитиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар соҳага эътибор нечоғли юксак эканлигидан. Масалан, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини олайлик... Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли танлов орқали жаҳон халқлари ўзбек наволарининг сеҳри, Шарқ ижрочилигининг фасоҳатига асир бўлдилар, ўзига хослигига тан бердилар. Қадим Самарқанддаги муаззам Регистон майдонида ўтказиладиган бу халқаро мусиқа фестивали бугунга келиб санъат ихлосмандларию ижрочиларининг энг севимли байрамига айланиб улгурди. Бу эса миллий санъатимиз ва мусиқа маданиятимиз халқаро майдонда эътирофга лойиқ бўлганининг яна бир исботидир.

Водийликлар ўзининг санъатсеварлиги, куй-қўшиққа шинавандалиги билан машҳур. Бу ерда ҳеч бир йиғин, тўй-томоша, ҳаттоки гап-гаштаклар ҳам ашуласиз, мусиқасиз ўтмайди. Ўзбек санъати дарғаларидан ҳисобланмиш кўплаб истеъдод эгаларини етиштириб берган ҳам – шу замин. Фаттоҳхон Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Таваккал Қодиров каби эл меҳрини қозонган, ўзига хос ижро услуби ва мактабига эга бўлган санъаткорлар ҳам шу ерда вояга етган. Хуллас, аския-пайровларга, халқона куй-қўшиқларга, лапар-ўланларга мойиллик водий аҳлининг қонқонига сингиб кетган десак, муболаға бўлмайди.

Лавҳамиз қаҳрамони Санъат Ботиров ҳам – водийлик. Андижон вилоятида камолга етган бу ўғлон болалигидан санъатга ошно муҳитда улғайди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ қўшиқчиликка меҳр қўйди. У тўй-томошаларда ашула айтарди, айтишувларни қизитарди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

– Оиламизда деярли барчанинг санъатга ихлоси, муҳаббати баланд. Гарчи етук санъаткорлар фарзанди бўлмасам-да, ота-онам ижросидаги халқ қўшиқлари, ўлан ва лапарлар таъсирида улғайдим, айнан оиладаги муҳит сабаб санъатга ошуфта бўлиб вояга етдим. Яхши эслайман, уйимизда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Орифхон Ҳотамовларнинг қўшиқлари ёзилган пластинкалар бўлар, бўш қолдик дегунча уларни тинглашга шошилардик. Улуғ ҳофизларнинг ижро маҳорати, ёқимли овозлари, сеҳрга тўла хонишлари қалбимда қўшиқ куйлашга ҳавасни шакллантирган бўлса, не ажаб?! Айниқса, устоз санъаткорлар томонидан юксак маҳорат билан куйланадиган «Савти сувора», «Дугоҳ Ҳусайн», «Чаман ялла», «Ҳануз», «Чор зарб» каби мумтоз ашула ва яллалар, «Боғ аро», «Шафоат», «Хайрул башар», «Отга миндим» сингари бири-бирдан гўзал, қадимий халқ қўшиқларини берилиб тинглаганман.

Ҳавас инсонни етукликка, юксак довонларни-да забт этишга, ушалмас орзуларни-да ушалтиришга ундайди. Кишида истеъдод ва иқтидорни, маҳорат ва малакани юзага чиқарадиган ҳам айнан ҳавасдир. Санъатбекнинг қўшиқчиликка қизиқишига айнан шу туйғу сабаб бўлди, десак янглишмаймиз. Дарвоқе, Санъат Ботиров юрт кўришни, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни шараф деб билганлардан. У 2007 йилдан буён Қуролли Кучларимиз сафида мардонавор хизмат қилиб келаётир. Мактабни битиргач, муддатли ҳарбий хизматни ўташга отланган ўғлон Қуролли Кучларимизда посбонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, давлат томонидан қаратилаётган эътибор, халқимизнинг Ватан ҳимоячиларига юксак ҳурмат-эҳтиромига гувоҳ бўлиб, ҳаётини шарафли соҳа билан боғлашга аҳд қилди. Мана, орзусига етиб, эгнига ҳарбий либос кийди.

Ботировлар оиласини аслида ҳарбийлар сулоласи дейиш ҳам мумкин. Чунки акаси Санжарбек – кичик сержант, ўзи эса шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар. Кенжа фарзандлар – Отабек ва Ёдгорбеклар ҳам акалари изидан бориб ҳарбий бўлмоқчи.

– Ўғилларимнинг шарафли касбни танлаганидан ғурурланаман, – дейди Тўхтахўжа Ботиров. – Эр йигитнинг тинчликка посбон, юртга қўрғон бўлгани яхши-да. Зотан, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осойишталигимиз айнан Ватан ҳимоячиларининг қўлида. Шу боис халқ уларни улуғлайди.

Ўзим уста ҳунармандман. Тўнғич фарзандим Бахтиёр касбимни давом эттириб, уста бўлди. Қолган ўғилларим ҳам устачиликдан бохабар, бироқ уларда ҳарбийликка қизиқиш кучлироқ. Бундан жуда-жуда хурсандман.

– Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ботировни ҳарбий жамоада барча яхши билади, ҳурмат қилади, дейди гуруҳ командири катта лейтенант Болибек Мирзаев. Ўқчи вазифасида хизмат қиладиган посбон тактик, снеснй, жисмоний тайёргарликларда илғор. Бундан ташқари, қисмда уюштириладиган маданий тадбирлар, байрам дастурларида ўзининг ранг-баранг қўшиқлари билан сафдошлари кўнглини хушнуд қилиб келади. Сафимизда ана шундай иқтидорли йигитнинг, хушовоз ҳаваскор хонанданинг борлигидан мамнунмиз.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

АСАРЛАРГА ҚАЙТА ҲАЁТ БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида нодир санъат асарларини қайта тиклаш ва таъмирлаш масалаларига бағишланган амалий семинар бошланди. Унда юртимизнинг музейшунослари, санъатшунос олимлари, таъмирловчи-реставраторлар, рассомлар билан бирга франциялик соҳа ходимлари ҳам иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равнақ топтириш, унинг қадимий анъаналарини тиклаш, асраб-авайлаш, тарғиб ва ташвиқ этиш, соҳага оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар меъморий мажмуаларни, тарихий ёдгорликларни, табаррук қадамжоларни қайта таъмирлаш, ободонлаштириш, археологик топилмаларни чуқур тадқиқ этиш, илмий изланишлар олиб бориш каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Давлат санъат музейи билан ҳамкорликда ўтказилаётган санъат асарларини қайта тиклаш ва таъмирлашга оид лойиҳа бунинг далилидир. Юртимиздаги энг йирик ва нодир экспонатларга бой ушбу музейда тасвирий санъатнинг турли йўналишларига оид асарларни қайта реставрация қилиш, бу борада мутахассисларнинг ижодий, илмий-маърифий тажриба алмашишини кенг йўлга қўйиш, талабаёшлар учун мавзуга оид маҳорат сабоқларини ўтишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Санъат асарларини реставрация қилиш жуда мураккаб ва масъулиятли жараён, – дейди Ўзбекистон Давлат санъат музейи бош муҳофизи, таъмирлаш лабораторияси мудири Мирфайзи Усмонов. – Ҳар бир санъат асари муайян вақт ўтгач, қайта реставрацияни талаб этиши маълум. Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ва Республика рассомлик коллежида санъат асарларини таъмирловчи – реставраторлар тайёрланади. Мазкур тадбир соҳа ходимларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқларини ўташи баробарида таъмиртаалаб асарларини реставрация қилиш имконини беради.

Франциялик таъмирловчи-реставратор Жеральдин Фрей – амалий семинар иштирокчиларидан бири.

Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати жуда бой, бетакрор, қизиқарли, – дейди Жеральдин Фрей. – Самарқанд, Нукус, Тошкент шаҳарларидаги етакчи музейлар, қадимий археологик ёдгорликларни ўрганиш чоғида бунга яна бир бор амин бўлдим. Бу санъат, археология соҳасида ҳамкорликда илмий изланишлар, турли илмий-маърифий лойиҳалар, реставрация ишларини олиб боришда муҳим ўрин тутади. Мазкур семинар ҳам реставрация соҳасида мавжуд янгилик ва ютуқлар, илғор технология ва услублар билан атрофлича танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишда катта аҳамият касб этади.

Икки ҳафта давом этадиган амалий семинарда санъат асарларини қайта тиклаш ва реставрация қилишга оид масалалар муҳокама этилиши баробарида номдор мусаввирларнинг асарлари моҳир мутахассислар иштирокида реставрация қилинади. Тадбир доирасида қайта тикланган тасвирий санъат асарларидан иборат кўргазма ташкил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибини ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор Р. ЖУМАЕВ, капитан Ҳ. МИРЗАЕВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 23400.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № 1-83-32.